





ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ


Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ
ҚҰЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

ОГАҲИЙ

ШЕҖРИЯТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1983



10

Редколлегия: Абдураҳмонов Ф. А., Аҳмадхўжаев Э. Т.,
Жабборов Ж. Ж., Қаюмов А. П., Пармузин Б. С., Шоғуло-
мов И. Ш., Шомуҳамедов Ш. М.

*Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий XIX асрда
Хоразмда яшаб ижод этган атоқли адиллардандир.
У ўзбек классик адабиётида талантли шоир, моҳир
таржимон ва муаррих олим сифатида машҳур.*

*Огаҳийнинг бадиий мероси ниҳоятда бой бўлиб,
«Таъвиз ул-ошиқин» девони, беш тарих китоби ва ўн
тўйқизста таржима асар шоир қаламига мансубdir.*

*Ушбу китобчага шоирнинг ҳис-туйгулари ва ижтимоий
гояларини тараннум этган газал, мухаммас, мустазод,
рубоий, маснавий каби шеър турлари киритилган.*

H 431

0-210

Тузувчи: Фатхулла Ғанихўжаев

Мухаррир: Ҳалима Мухторова

Тақризчи: Эркин Аҳмадхўжаев

ПОДР.

10 14715

284

МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ

Муҳаммад Ризо Огаҳий XIX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси ва ўша даврда Хоразмда вужудга келган адабий ҳаракатнинг илғор вакилидир. Огаҳий ўзининг юксак истеъоди, сермаҳсул ижоди билан забардаст олим, талантли шоир, етук тарихчи, моҳир таржимон сифатида адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.

Огаҳий 1809 йили Хоразмнинг Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилди. У тоғаси Шермуҳаммад Мунис қўлида ўси ва таълим олди. Бошланғич таҳсилдан сўнг мадрасада ўқиди. Навоий, Фузулий, Бедил каби Шарқ халқлари классикларининг асарларини муҳаббат билан ўрганди.

Муҳаммад Ризо отаси Эрниёзбек вафотидан сўнг оила бошлиғи бўлиб қолди. Шу туфайли у дастлаб деҳқончилик билан шуғулланди, сўнг ҳарбий хизматда бўлди. Хонликда мироблик вазифасини адо этиб келаётган шоир Мунис 1829 йилда вафот этгач, унинг ўрнига Огаҳий мироб этиб тайинланди. Бу вазифа жуда масъулиятли бўлиб, сунъий суғоришга асосланган Ўлка деҳқончилигида катта аҳамиятга эга эди. Огаҳий ана шундай хизмат ишлари билан банд бўлган ҳолда, илмий-ижодий ишини ҳам давом эттириди.

Огаҳий лирик шеърларини тўплаб «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номи билан девон тузди. Бу девон машҳур котиблар томонидан бир неча бор кўчирилди ва чоп этилди. Юксак бадиий маҳораৎ билан ёзилган ижтимоий, ахлоқий ва муҳаббат мавзуидаги гўзал газаллар, муҳаммас, мусаддас, рубойй, маснавий ва бошқа шеърлардан ташкил топган бу девонда шоир тафаккури, унинг бой ички дунёси, замонига, зулм ва

золимларга нафрати, оддий меҳнаткаш халқа муҳаббати, диний фанатизмга салбий муносабати, ҳаётга муносабати ўзининг бадиий ифодасини топган.

Огаҳийнинг кўп газал ва бошқа тур шеърларида эл бошига тушган азоб-уқубатнинг реал, ҳазин ифодаси акс этган:

Даҳр қасриким ҳақиқатда кўҳан вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.
Сақфнда ер сарбасар андин ёгар гарди хатар.
Амниятдин йўқ асар, ваҳ не ажаб кошонадур.
Фитна афвожи онинг сокинлари қасди учун,
Тортобон анда жафо тийгин мудом айлонадур...
Комига етган киши тонг йўқ жаҳондин топмассанг,
Ким бу олам, Огаҳий, бир кўхна ҳасратхонадур.

Бу мазмундор мисраларда шоир ўзи яшаган дунёни қоралайди, чуқур норозилик туйгуларини ифодалайди.

Огаҳий ижодининг ўткир найзаси дин аҳллари ва уларнинг ёлгон ақидаларига қарши қаратилган. Шоир асарларида шайхлар, зоҳидларнинг ҳийла-найрангари, риёкорликларини фош қилувчи жуда кўп мисралар бор:

Қил, эй соқий, қарамким, қилди жисмим нотавон рӯза,
Хумори жоми майдин айлади бағримни қон рӯза.
Қўзим нури белимнинг қуввати қўймай олиб, вахким,
Ситам тигин чекибдур эмди айлаб қасди жон рӯза.

Огаҳий ижодининг катта қисмини ишқ-муҳаббатга бағишлиланган интим лирика ташкил этади. Бу борада Огаҳий, шубҳасиз Навоий мактабининг энг истеъдодли шоирларидан бири сифатида кўринади. У Навоийнинг ҳаётбахш, инсон туйгуларини гўзал ифодалаган газалларига ўхшатиб байтлар ёзади. Ишқ-муҳаббатга оид газалларида ҳам, албатта, ҳаёт, киши фазилати, нуқсони тўғрисида бирон фикр айтилади:

Етиб васлингга бўлди барча олам шод, мен қолдим,
Даме бўлмай фироқинг бандидин озод, мен қолдим.
Топиб ширин сўзингдин муддаилар ком ила роҳат,
Қўруб коғир кўзингдин зулм ила бедод, мен қолдим.

Огаҳий халқ фарзанди. У кўп вақт халқ орасида бўлди. Улар аҳволидан яқиндан огоҳ бўлди. Шу боисдан ҳам кўп газалларида улар тилидан сўзлайди, халқни яхшилик сари етаклайди. Огаҳий шеъриятида халқчиллик, унинг ижодидаги илгор гоявий-эстетик йўналиш қуидаги парчада яхши акс этади:

Шукрим, эрур қадрим факр эли аро олий,
Аҳли жоҳ олида гарчи эътиборим йўқ.

Огаҳий лирикасининг энг асосий хусусиятларидан бири унинг чуқур самимият ва юксак бадиийлигидир. Унинг инсон қалбининг энг нозик ва нафис туйгуларини ўшандай латофат билан баён этувчи ўйноқи, сермазмун ва оҳангдор шеърлари ҳамон ҳалқимиз томонидан зўр муҳаббат билан ўқилиб куйланиб келмоқда.

Огаҳий ўзининг бир неча тарихий асарлари билан Ўрта Осиё тарих фанига қимматли ҳисса қўшди. У ўз устози Мунис Хоразмий томонидан бошланган «Фирдўс ул-иқбол» номли тарихий асарни давом эттириди. Бундан ташқари, Огаҳий Хоразм тарихига оид беш мустақил асар ёзи. Булар «Риёз уд-давла» (1825—1843 йиллар тарихи), «Зубдат ут-таворих» (1843—1846 йиллар тарихи), «Жомиул-воқеоти султоний» (1846—1855 йиллар тарихи), «Гулшани давлат» (1856—1865 йиллар тарихи), «Шоҳиди иқбол» (1865—1872 йиллар тарихи) асаридир.

Огаҳий ўзининг бу тарихий асарлари билан Хоразмнинг ярим асрдан ортиқроқ даврни акс эттирувчи тарихий хроникасини яратди. Бу асарлардаги жуда кўп материаллар Хоразм ҳонлигининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини, ташқи мамлакатлар билан муносабатларини ўрганишда, аҳолининг турмуши, урф-одатларини тадқиқ этишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Огаҳий адабий ва тарихий асарлар яратиш билан бир қаторда шарқ ҳалқлари адабиёти ва тарихининг қимматли намуналарини ўзбек тилига таржима қилди. Жумладан, Саъдий Шерозийнинг «Гулистан», Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайх», «Баҳористон», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва Гадо», Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» асари, шунингдек фалсафий, ахлоқий-таълимий характерга эга бўлган «Қобуснома», «Зубдат ул-ҳикоят», «Мифтоҳ, ут-толибин», «Ахлоқи Муҳсиний» каби асарларни ўзбек тилига таржима қилди.

Огаҳий бир қатор тарихий асарлардан «Тазкираи Муқимхоний», «Табақоти Акбаршоҳий», «Тарихи Нодирий» ва «Равзат ус-сафо» нинг айрим томларини ҳам форсчадан ўзбек тилига ағдарган. Умуман, Огаҳийнинг бадиий ва тарихий таржима асарлари йигирмага яқин. Бу фактлар Огаҳийнинг таржима адабиёти тараққиётига ҳам муҳим ҳисса кўшган ижодкор эканини кўрсатиб туради.

Огаҳий ўз ҳаётининг охирги йилларини қишлоғи Қиётда ўтказади ва 1874 йилда вафот этади.

Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш со-

ҳасида республикамизнинг атоқли олимлари анча ишларни амалга оширилдилар. Огаҳийнинг 1958 йилда нашр этилган «Танланган асарлар» и, сўнгроқ 1960 йилда нашр этилган «Таъвиз ул-ошиқин» девони ва ниҳоят 1971—1980 йилларда чоп этилган Огаҳий асарларининг олти жилдлиги огаҳийшуносликда қилинган дастлабки катта ишлардандир. Яна Огаҳийнинг адабий ва тарихий меросини ўрганиш, таҳлил этиш, уларни оммалаштириш борасида бир қатор илмий асарлар ёзилдиким, биз бу ўринда огаҳийшуносликни бошлаб берган ҳурматли олимларимиз В. И. Заҳидов, А. П. Қаюмов, Қ. Муниров, Р. Мажидий, С. Долимов, Ф. Каримов, Ш. Шарофиддинов (Хуршид) ва бошқа ўртоқларнинг номини алоҳида тилга олиб ўтишни лозим топамиз.

Мазкур китобча ҳам ана шу ишларнинг давоми сифатида майдонга келди. Китобдаги шеърий намуналарни тайёрлашда ЎзФА Қўлёзмалар институти фондида сакланадиган 1529 рақамли қўлёзмадан ва қисман «Таъвизул-ошиқин»нинг 1960 йил нашридан фойдаланилди.

Ф. Ғанихўжаев.
филология фанлари кандидати.

ҒАЗАЛЛАР

Мунчаким, эй дил, етишти ҳажридин заҳмат санга,
Узмадинг ҳаргиз умидинг васлидин, раҳмат санга.

Ер васлин айларам дединг талаб жон борича,
Топғасен кому муродниг гар будур ҳиммат санга.

Олдинга гайратни қалқон этдинг, асло елмагай
Тири борони ҳаводисдин dame оғат санга.

Сабрни қылдинг шиоринг эмди эрмастур ажаб,
Айшу ишратга бадал бўлса гаму кулфат санга.

Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ҳаргиз етмади
Мунчаким етди фалакдин дард ила меҳнат санга.

Нўш этиб жоми ҳақиқат доим ўлгил тоза рух,
Ҳамсафоли нафс ўлурга бўлмасун рагбат санга.

Тангрига айлаб таваккул қил қаноатни шиор,
Икки оламда керак бўлса агар иззат санга.

Ранжалар тортиб туну кун ҳосил этсанг ганжлар,
Борчаси сандин қолиб ҳамроҳ борур ҳасрат санга.

Багринга тиш беркитиб сабр айла жўъу фокага —
Ким ўлум яхши егандин нон чекиб миннат санга.

Борди навбат бирла оламдин бори ҳамроҳлар,
Йўл яроғин тутки эмди етгуси навбат санга.

Огаҳий, жаҳд эт мусоҳиб бўл ҳақиқат аҳлига,
Тобакай бўлгай мажоз аҳли била улфат санга.

* * *

Гар етар юз минг алам жавру жафосидин санга,
Эй кўнгул, бил яхшидур ҳижрон балосидин санга.

Жои қачон топқай ўлук жисминг масиҳ анфосидин,
Қилмаса гар чора лаъли жои физосидин санга,

Захминга бутмак эмас мумкини марҳам ўриига
Ғамза ўқи етмагуича қоши ёсидин санга.

Ул қаро кўз боқмаса бахтииг қароси бўлмас оқ,
Бу қаро етмиш онинг кўзи қаросидин санга.

Шоми ҳажриигга саҳар йўқ етмаса то ламъаи,
Орази хуршидининг нуру зиёсидин санга.

Йўқ жунуанингга илож аҳли башардииким, бу ҳол
Вокиъ ўлмиш бир пари нозу адосидин санга.

Етса гар жавру жафоси шод ўлиб қилгил қабул,
Гар умид ўлса онинг меҳру вафосидин санга.

Қасди жон ул кўзлар этмиш эмди йўқ чиқмоқ амон,
Бермайин жои ул ики золим аросидин санга.

Қаррилар ҳолига боқ лутфинг кўзидин, эй йигит,
Ким камоли ҳусн ожизлар дуосидин санга.

Чун қаро ер ости охир бўлғусидур манзилинг,
Бас не осиг гулшани олам сафосидин санга.

Отахий, ким топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоййининг навосидин санга.

* * *

Ул малак симоки борча илм бўлмиш ёд анга,
Рўзу шаб дарсу сабоқ тақроридур мұттод анга.

Илм таҳсили сулуки ичра солик бўлғоли,
Ақл пиридин дамо-дам еткуси иршод анга.

Сарфи наҳву маитиқ ичра токи саъй этти аён,
Себувайҳ руҳи қилур таҳсину ҳам имдод анга.

Қилғоли илму қалому ҳикмат ашколини ҳал,
Ҳаддин афзунроқ берибдур тангри истиъдод аига.

Насб этарга хаймаи илм этти андоқ жидду жаҳд
Ким мадад еткурдилар ақтоб ила автод анга.

Гўйё илми ладунидин топибдур баҳраким,
Ҳар қаломи рамзидин ҳайратдадур устод анга.

Илм ила, ёраб, онинг қил рутбасин андоқ баланд
Ким бори олимлар ўлсун тобиу мунқод анга.

Илм андоқ гаижи ноғиъдур бани одамғаким,
Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод аига.

Касби илм этмай киши гар қолса маҳзи жаҳл ила,
Икки олам обрўси бўлғуси барбод аига.

Олним улдурким шариатдни тажовуз қилмаса,
Гар тажовуз қилса, билгил, пешадур алҳод анга.

Илмдин бе баҳра эл ҳолини билмак истасанг,
Отахийнинг зор ҳолин билгил истишҳод аига.

* * *

Токи бўлдум ул лаби жонбахш дилбардин жудо,
Бўлдилар жону кўнгул мен зору музтардин жудо.

Тушкали ул юздин ойру бўлмишам маҳви адам,
Зарра ул янглиғки бўлгай меҳри анвардин жудо.

Гунгу лол ўлсам не тонг ширин каломин топмайин,
Сўз дегайму тўти ўлган чогда шаккардин жудо.

Не ажаб сарву суманга боқмасам, эй боғбои,
Ким эрурман бу кун ул сарви суманбардин жудо.

Базми васлидин на ҳосил нўши лаъли етмаса,
Жаннат аҳлиға на ҳаз гар бўлса кавсардин жудо.

Толпиниб кўнглим ета олмас муроди бояғига,
Қўйи бу қуш бўлди ғам чангига шахпардин жудо.

Етди жоним оғзима даврон ғамидин, соқиё
Раҳм этиб бир дам лабимни қилма соғардин жудо.

Келди шаҳлар хизмати иксир давлатким, киши
Бўлмасин гар Хизр ҳам бўлса Скандардин жудо.

Огаҳийнинг ашқидур раҳмат саҳоби ёмғири,
Ераб, они қилма бир дам дидаи тардин жудо.

Баҳор айёми бўлмиш ўйлаким боғи эрам сахро,
Еридур сайр учун, эй гулжабин, қўйсанг қадам сахро.

Эсиб ҳар соридин бўстоилар ичра руҳпарвар ел,
Масиҳо муъжизидин ҳар нафас урғуси дам сахро.

Раёҳин узра сувлар оқибон кавсар киби ҳар ён,
Эмас фирмавсдии файзу тароват ичра кам сахро.

Бутуб бўстонлар ичра гул, иаволар соз этиб булбул,
Кўнгулдин қылғуси ҳар важҳ бирла дафъи ғам сахро,

Бу фасл ичра танаъум аҳлига асрү муюосибдур,
Мулукона тузнб мажлис ичарга жоми Жам сахро.

Шукуфа баргидин ярмоқ сочар шохи шажар ҳар ён
Ки ансабдур дирам базл эткали аҳли карам сахро.

Берур жонларга роҳатлар, солур танларга қувватлар,
Маҳалдур айшу ишратлар қилурга, эй санам, сахро.

Туну кун боғу бўстон ичра туз аҳбоб ила суҳбат,
Ки ишрат аҳлига бир неча кундур мугтанам сахро.

Фироқ ичра дема сўз Огаҳийга дашту саҳродин,
Ки андуҳу ғамин дафъ айламас ҳам шаҳр, ҳам сахро.

* * *

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул, жонинг керакмасму санга,
Ўтга кирдинг жисми урёйинг керакмасму санга.

Истабон ул юз тамошосини кўздин дам-бадам
Қои тўкарсан, чашми гирёниинг керакмасму санга.

Ҳар дам эткинг орзу кофир кўзи наззорасин,
Қил ҳазарким нақди имонинг керакмасму санга.

Лутфинг этдинг хаста кўнглумдин дариг, эй шоҳи ҳусн,
Бу гадойи зору ҳайроининг керакмасму санга.

Ўзгаларга илтифотинг айладинг маҳсус, бу
Мустаҳиқи лутфу иҳсонинг керакмасму санга.

Сели ғамдин хонавайрои ўлдиму ёд этмадинг,
Айтким, бу хонавайроининг керакмасму санга.

Огаҳин ҳолин кўриб дойим тагофил қилгасен,
Шоири доноий давронинг керакмасму санга.

* * *

Ҳолима назар ул ой қилдиму экан оё,
Жонда доғи ҳижронин билдиму экан оё.

Эшитиб фигонимни ҳажр шомида ногах,
Ҳолима тараҳҳумлар қилдиму экан оё.

Топти бу кеча кулбам субҳдек мунаавварлиғ,
Очибон юзи меҳрин келдиму экан оё.

Ҳар тарафга оқмоқдин тинди кўз ёшим сели,
Марҳамат қўли бирла силдиму экан оё.

Васлиға етушкан чог бағрим ўлди юз пора,
Они тифи мужгони тилдиму экан оё.

Комима етибдурман ишқ аро, мени кўзга,
Ҳусн кишвари шоҳи, илдиму экан оё.

Етди Огаҳий ул гул гулшани висолиға,
Ел киби талаб айлаб елдиму экан оё.

* * *

Олур ҳар лаҳза юз жон чашми фаттонингға салламно,
Тўқар ҳар дамда минг қон тифи мужгонингға салламно.

Жаҳон бозорида синдеруди ёқуту гуҳар қадрин,
Дурафшон нуқта бирла лаъли хандонингға салламно.

Асир айлаб камандига паришон кўиглум этди жамъ,
Мусалсал ҳалқан зулфи паришонингға салламно.

Юзунгдин заррача партав етишгач тийра кулбамга,
Ерутди ҳажр шоми меҳри раҳшонингға салламно.

Сиҳи қадларни қумри янглиғ этди ишқида нолон,
Назокат боғида сарви хиромонингга салламно.

Агар кўрса эди Юсуф малоҳатлиғ жамолингни,
Дер эрди сидқ ила рухори тобонингга салламно.

Лабинг ширин такаллумдин ўлукни тиргизиб, айлар,
Суҳанвар тўти осо шаккар истонингга салламно.

Чу иҳсои нақдини сочдинг жаҳонга ганжи лутфингдин
Бори ҳалқ ўлди банданг нақди иҳсонингга салламно

Риёу ужб бирла бир сурук жоҳилни, эй зоҳид,
Мутиъу муҳлис этдинг, макру дастонингга салламно.

Уриб дам гайб сирридин ҳам эткунг даъвийи имони,
Бу янглиғ куфр бирла турган имонингга салламио.

Чекарсан, Огахий, тун-кун ул ой жавру жафосини,
Бу қоттиғ меҳнат ичра чиқмаган жонингга салламно.

* * *

Эй шўх, кўзу қошинга олам гадо, ман ҳам гадо,
ЛАъли лаби дурпошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Гоҳи қапогинг жон олур, гоҳи қошинг яғмо солур,
Бўйла қапогу қошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Қадду лабинг фошу ниҳон, элдин олур тобу тавон,
Ушбу ниҳону фошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Бошдин аёғинг жон эзур, жонлар санга қурбон эзур,
Жоно, аёқу бошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Хар неча отсанг ўқу тош, айлаб газаб оламға фош,
Бўлғуси ўқу тошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Жонларда фикри суратинг, кўзларда нақши қоматинг
Суратгару наққошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Ўн тўртдин ёшинг ўтуб, ҳуснинг жаҳонни ёрутуб,
Бу ҳуснингу бу ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Давлат санга йўлдош эрур, лутфи худо қўлдош эрур.
Йўлдошингу қўлдошинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Оҳу ёшингга, Отахий, раҳм этти ул хўблар шаҳи,
Таъсири оҳу ёшинга олам гадо, ман ҳам гадо.

Ваҳки, айлаб лутфу иҳсон ёр мандин ўзгага,
Айламас зулму ситам изҳор мандин ўзгага.

Захри ҳажрини берур ҳар дам мангау, васлиниинг
Нўшини инъом этар бисёр мандин ўзгага.

Куймасун кўнглум на янглиғким қовуб ман хастани
Суҳбатига йўл берур дилдор мандин ўзгага.

Булбул осо нолам эрмас тонгки хори ҳажр уруб,
Жавр қилмас ул чаман руҳсор мандин ўзгага.

Ваҳки мандин ёринн бегона айлаб, ошино
Айлади чархи ситам кирдор мандин ўзгага.

Олди жонимни ғами фурқат қарам айлаб бу дам,
Берма, соқий, май бурун зинҳор мандиши ўзгага.

Огаҳий, гар йигласам тун-кун ажаб йўқ, негаким,
Манга жавру, лутф айлар ёр мандин ўзгага.

Юз очиб келгил, эй маҳваш, қуёш янглиғ хиром айлаб,
Бошимга солди савдо фурқатинг субҳимни шом айлаб.

Чу сансай ҳуси мулки шоҳиким, хоки жанобингга
Қўяр ҳар лаҳза бошин хўблар ўзни гулом айлаб.

Бу раъио қад била гар бoga кирсанг, сарв ила шамшод,
Бўлуб банда турарлар бир аёқда иҳтиром айлаб.

Висолинг истай-истай жонға етдим, раҳм этиб келгил,
Мани, жоно, муродимга етурмак илтизом айлаб.

Не қаҳр эрдики бир боқмассану бир дам ҳам урмассан,
Бош олингда қўёрмаи кунда юз йўли салом айлаб.

Жамолинг партавидин ийд субҳидек мунаvvар қил,
Қорарғон кулбам ичра меҳри анвардек мақом айлаб.

Бошимни садқа айлаб иакди жонимии қилай исор,
Агар базмимда ўлтурсанг замони нўшжом айлаб.

Не журмим борки тошларсай мани зиндои ҳажрингга,
Висолинг базми ичра муддаини шодком айлаб.

Ўқуғил бу газалии Огаҳий айтибдур, эй дилбар,
Ўзин зикри, лабинг шаҳди била ширин калом айлаб.

Жоним ўртанди сенинг ўтлуг жамолингни кўруб,
Кўнглум ичра тушти ўт рухсори олингни кўруб.

Исию Маръям ие тонг сандин хижолат чексаким,
Жон топар беморлар ширин зулолингни кўруб.

Жилва қилсанг бўстон ичра қўяр олингда бош,
Ажз ила сарви сихи наврас ниҳолингни кўруб.

Киргуси ҳуру пари девоалиғ сахросига,
Ишвау изозингни, гуижу далолингни кўруб.

Шаккаристон сори тўти боқмаса эрмас ажаб,
Шаҳдек лаълинг уза жонбахш болингни кўруб.

Бўлди кўнглумда аёи ишқинг ўтидин дўғлар,
Лола янглиг юзда анбарбўй холингни кўруб.

Тоза жон топғумдуур беморлиғ ҳангомида,
Ичсам илгингдин қадаҳ базми висолингни кўруб.

Жамлик этсам дайр кўйида не тонг, эй нири дайр,
Соғинурмен жоми Жам синғон сафолингни кўруб.

Огаҳий жону жаҳон нақдин нисор айлар санга,
Рух афзо лаълингу зебо жамолингни кўруб.

* * *

Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолимни султонимға айт,
Яъники жоним дардини ишқида жононимға айт.

Ҳижрон тунида заррадек бесабру ором ўлғоним,
Авжи латофатда юзи хуршиди тобонимға айт.

Шавқ ўтига парвонадек куйган кўнгулнинг ҳолини,
Ҳар тун бошига эврулуб шамъян шабистонимға айт.

Оҳу фигоним булбулу қумрини хомуш этканин,
Ул қомати сарву, юзи гул барги хандонимға айт.

Ман лол ўлуб кўрган чоғи бир сўз худ айта олмоғум,
Бори сан аҳволимни ул ошуви давронимға айт.

Иҳсони ўзга қул киби нечун манга воғир эмас,
Ииглаб бу қулнинг арзини шоҳи қадирдонимға айт.

Зинидони ғамдин Огаҳий топғай қачон озодлиғ,
Лутф айлаб, эй пайки сабо, ҳолимни султонимға айт.

Токи тушти ишқ барқидин дили маҳзунга ўт,
Ҳар нафас оҳим шароридин тушар гардунга ўт.

Кўнглум ўтига сув урмоқ бирла таскин истаманг
Ким онинг бир учқуни солғуси юз Жайхунга ўт

Ул пари ҳажрида ўртанди фигонимдин фалак,
Оҳидин тушса тонг эрмас кулбай мажнунга ўт.

Телбараб ҳар ён югурдим тортиб ўтлуг нолалар,
Лолалар эрмаски тушти тоғ ила ҳомунга ўт.

Шавқ ўти базм аҳли жону кўнглини қилди кабоб,
Бода тоби урди то ул орази гулгунга ўт.

Сўз лабидин ул адo бирла чиқорким, рашкидин
Тушгусидур лаъли серобу дури макнунга ўт.

Ҳажр аро қон йигламоқ озму эдиким, ҳар нафас
Чоқилур ғам қожидин ҳам дидай пурхунга ўт.

Чархи дун ёқти ҳаводис ўтига жону дилим,
Сол мукофоти учун, ёраб, бу чархн дунга ўт.

Шеъринг ўлгай, Огаҳий, ишқ аҳлига муздин совуқ,
Дард ўтидин бўлмаса махлут агар мазмунга ўт.

Гар истар эрсанг, эй кўнгул, қилмоқ сани масрур гаиж,
Тутгил қаноат кунжини ким ул эрур мофур ганж.

Гар оқил эрсанг симу зар жамъига гарра бўлмаким,
Ғафлат била кўб кимсани қилмишдурур мағур ганж.

Құлма ҳавас юз ҳирс ила ганж асрамоқ афъи киби,
Коминг түло захр айлабон жисминг қилур ранжур ганж.

Күр шомити хиссатнио, хосияти ҳимматниким,
Қорунгадур таҳтуссаро, Мусога фавқи тавр ганж.

Бу шукр учун бўл, эй гани, афтодаларга дастгир
Ким давлатинг бозусини қилмиш қавию зўр ганж.

Вайрон кўнгулларни карам ганжи била обод қил,
Гар истасанг ҳақ лутфидин бўлғай санга маъмур ганж.

Кўнглуинг тут огаҳлиг билаи фосид хавотирдин амон,
Ким бўлгуси зойиъ агар ғофил эса ганжур ганж.

Гар файзи маъни истасанг дарвишлардин истагил,
Ким бўлгуси албатта вайронлар аро маҳзур ганж.

Фош этма кўнглуиг сиррини ами истасанг оламдаким,
Кўб фитнага боис бўлур гар бўлмаса мастур ганж.

Ул юз тамошоси била кўзингни равшан айлаким,
Айлар назар қилғон киши кўзига афзун нури ганж.

Беганж иззат истама оламда маҳзи фазл ила,
Ким бу замона аҳлига бўлмишдуур манзур ганж.

Гар ҳушиング ўлса симу зар жамъ айламакдин қил ҳазар,
Ким тонгла бўлғай сарбасар гўрингда мору мўр ганж.

Ами истар эрсанг, Огаҳий, факру қаноат иеша қил
Ким нақди роҳатдин қилур жоҳ аҳлини маҳжур ганж!

Не бало хуштур кишига лутф айлаб ёр субҳ,
Кирса ҳамраҳ bog аро сайр эткали гулзор субҳ.

Гаҳ қилиб гулшани сайру, гаҳ чаманда ўлтуруб,
Гаҳ лабидин бўса инъом айласа дилдор субҳ.

Гоҳ жоми ишрат афзо қўлға олиб, қўл солиб,
Бир-бирининг бўйинга май иссалар бисёр субҳ.

Лаҳза-лаҳза маст ўлуб чирмашсалар бир-бирига,
Гулшан ичра сарв бирла ишқи бежонвор субҳ.

Гоҳ андоқ мастиқдин ойилиб, сўнгра яна,
Қилғучи май иссалар хуршидини изҳор субҳ.

Эйки роҳат истасанг ёринг билга гул вақтида,
Чиқмоғил бир лаҳза саҳни боғдин зинҳор субҳ.

Оғаҳийни вахқи кулфат шомида қон йиглатиб,
Қилмади зоҳир аига бу гунбази даввор субҳ.

* * *

Кўйидин ойру кўнгулға боғи ризвондин на суд,
Бўлмаса васли муяссар хуру гилмондин на суд.

Топмаса лаъли шаробидин агар сероблиғ,
Ташна жонимга зулоли оби ҳайвондин на суд.

Гар қуёш осо юз очиб келмаса ҳижрон аро,
Тийра бўлғон шомима хуршиди тобондин на суд.

Нутқи шаҳдидин жудо тўтийи табъим лол эрур,
То оига ул шаҳд етмай шаккаристондин на суд.

Лаълидин топмай табассум инбисотин гунчадек,
Тонг бўлғон кўнглума гулбарги хандондин ва суд.

Гар тамошо қилмасам кўйида зебо қоматин,
Гулшани жанинат аро сарви хиромондин на суд.

Ер васли гулшанининг айшидин ком олмағон,
Ошиқи бечорага санри гулистондин на суд.

Тийра гүр ичра бўлур чун манзил охар тийра хок,
Қасри Баҳроми аро тахти Сулаймондин на суд.

Чун ўқубон ул пари қилмас амал мазмунига,
Бас санга, эй Огаҳий, тартиби девондин на суд.

* * *

Парда бирла қилмоғил хуршид рухсорингни банд,
Гар десангким айлайин бу зарраи зорингни банд.

Истабон кўрмак жамолинг туи-кун ўлмиш бекарор,
Эй пари, мажнун кўнгулга қилма дидорнингни банд.

Сўз эшитиб лабларингдин тоза-тоза жон тоиай,
Қилма, жоно, нуктадин лаъли шакар борингни банд.

Кўзларингким раҳм қилмай дам-бадам қоним ичар,
Айла бир тадбир ила бу икки хунхорингни банд.

Ишқ куйига чу кирдинг эмди қилма, эй кўнгул,
Ўзинга бу куй аро номус ила орингни банд.

Иўқ вафо бу боғ аро бир гулда, қилғил ноладин,
Булбули шайдо онинг шавқида минқорингни банд.

* * *

Огаҳий, дилсўз назмингни эшитса аҳли ишқ,
Бўйнига таъвиздек айларлар ашъорингни банд.

Даҳр қасриким ҳақиқатда қўҳан вайронадур,
Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.

* * *

Сакфиде ер сарбасар ондин ёғар гарди хатар,
Амниятдин йўқ асар, вах, не ажаб кошонадур.

Фитна афвозжи онинг сокиилари қасди учун
Тортибон онда жафо тигин мудом айлонадур.

Онда ҳар шамъики равшан бўлғусидур кечалар,
Қоврилиб ўз ёғига бошдин аёғи ёнадур.

Шуълаи хирмон аро чурконгусидур оқибат,
Онда роҳат шамъига ҳар жон қуши парвонадур.

Они ғафлатдин қаю қушким нишиман айлади,
Ҳайрат ашқидин анга билгилки обу донадур.

Ким онинг аҳлига бўлди ошно истаб вафо,
Тортибон турлук жафолар жонидин бегонадур.

Таркини онинг кишиким билди роҳат мужиби,
Оlam аҳли ичра они онглаким фарзонадур,

Комига еткан киши тонг йўқ жаҳондин тоимасанг,
Ким бу олам, Отаҳий, бир кўхна ҳасратхонадур.

* * *

Ҳаётим боиси ширин тилидии бир такаллумдур,
Нишотим мужиби рангин лабидин бир табассумдур.

Үлумдин май гадони ишқ дарди ичра қутқорғон,
Ҳамул ҳусн аҳли шоҳи зоҳир эткан бир тараҳҳумдур.

Кўзум ёшин кўруб ҳижронда тонг йўқ келса кулбамга
Ки раҳравнинг далили кеча манзил сори анжумдур.

Ўлар ҳолатда топдим тоза жон мутриб навосидин,
Тилимда бу жиҳатдин шукри ҳақ дойим тараннумдур.

Хату холинг хаёли кирмаса кўз кўр бўлур бешак
Ки кўзнинг эътибори мужиби мужгони мардумдур.

Деса сўз муддаи ҳар бобдин солма қулоқ ҳаргиз
Ки умрида оининг билгаи иши макру ташаъумдур.

На сўргунг, зоҳид, ахволинки оининг фикрию зикри,
Такаббурдур, тафаръундур, таҳашшумдур, тааззумдур.

Танаъум аҳли бўлмоқ истасанг қил сидқ ила хизмат,
Оларким қилди хизмат сидқ ила аҳли танаъумдур.

Улусга олам ичра ҳосил этмоқ ион эмас осон
Ки боис чиққоли фирмовсдин одамга гандумдур.

Эр эрсанг тут баробар чархнинг лутфу жафосини,
Иўқ эрса дойимо элга ишинг арзи тазаллумдур.

Агарчи хушдил ўлмиш Оғаҳий анвои лутфингдин,
Вале кўнглида оининг макри ҳосиддин таваҳҳумдур.

* * *

Даҳр бир майхонадурким, кулфат оининг жомидур,
Кўз ёши бирла кўнгул қони майи гулфомидур,

Ҳар кипиким онда кирди ичмак истаб жоми айш,
Неча турлук гусса заҳрининг қадаҳ ошомидур.

Кимса не навъ ичкай онда амният саҳбосини,
Кўнглида дойим ҳаводис шаҳнаси авҳомидур.

Кимки роҳат нўшидия бир қатра ичти, то абад,
Жонида юз дарду меҳнат иишининг оломидур.

Фурсати айшига мағрур ўлмаким, андоқки барқ,
Турфат ул-айни оининг оғозию аижомидур.

Умрлар гар ҳар ким онда комронлиг айласа,
Оқибат мақсад васли комининг нокомидур.

Бўлмағил эмин замони ҳодисоти даҳрдин,
Гар жаҳои Искандарий гар худ фалак Баҳромидур.

Чораси йўқтур ҳаводиснинг магар сабр айламак,
Ким бу иш ул дард доруи фараҳ фаржомидур.

Огаҳий, тутғил фаио кунжинки, даҳр андуҳидин,
Фориг ул озодаким ул гўшада оромидур.

Юзунг авжи сабоҳатда маҳи анварга ўхшайдур,
Сўзинг хони малоҳатда тузу шаккарга ўхшайдур.

Мусаффо куйинг ичра жилва қилғоч чеҳран олинг,
Эрам боғида очилғон гулни аҳмарга ўхшайдур.

Жамолинг боғи рузрон онда лаълинг ичра ширин сўз,
Тўло ёқут соғар шарбати кавсарга ўхшайдур.

Лабингким жон физолигда нечукким чашмаи ҳайвон,
Хатинг ул чашма узра Хизр пайғамбарга ўхшайдур.

Юзунгда печу ҳамлиғ кокулингнинг шакли ганж узра,
Саросар ҳалқа ургон тоблиғ аждарга ўхшайдур.

Қошинг узра ики ҳолинг биайниҳ қаъба тоқида,
Билол осо биридур ҳам бирн қамбарга ўхшайдур.

Мунаввар чеҳранг узра кўзларинг ислом мулкида,
Таваттун айлаган қотил ики кофарга ўхшайдур.

Кўз атрофида мужгонинг улусни қатл қилмоқға,
Ҳамул қотиллар илгида итиқ ҳанжарга ўхшайдур.

Тонг эрмас, Огаҳий, аҳли жаҳон шеърингга майл этса,
Нединким ҳар сўзинг назм ичра бир гавҳарга ўхшай-
дур.

Дедим ул шўхга: ишқингда хаста жони зоримдур,
Деди: оининг давоси нўши лаъли шахди боримдур.

Дедим: тинмай чекар кўнглум дами оҳу фигон, эй гул,
Деди: ул андалиби зору бесабру қароримдур.

Дедим: нури тажалли айлади кўнглум уйин равшан,
Деди: фикри шиоъни партави меҳри узоримдур.

Дедим: жоним уйин қилдинг хароб, эй хўблар шоҳи,
Деди: мулкимдур они ҳариа қилсан ихтиёrimдур.

Дедим: бу кеча тушда қилмишам афлок сайрини,
Деди: таъбири тавфи даргаҳи рифъат мадоримдур.

Дедим: ман бенавони базми васлингдин дами шод эт,
Деди: ҳамсухбат ўлмоқ сан киби мискинга оримдур.

Дедим: шахди лабингдин лутф ила бир бўса қил инъом,
Деди: бу қисмати ушшоқи соҳиб эътиборимдур.

Дедим: ҳар дам рақибингдин етар жонимга юз озор,
Деди: ман гул эрурман ул манинг теграмда хоримдур.

Дедим: ҳар дам нединдур Огаҳийға лутфу иҳсоенинг,
Деди: бори гами ишқим чекарда устуворимдур.

Ёрутмас тийра шомим очса юз хуршиди анвар юз,
Ниқоби абридин то очмаса ул моҳ пайкар юз.

Мани кўргач фигонким парда остиға юзин тортар,
Рақиби оллида лекин очар ҳар дам мукаррар юз.

Юзи ҳижронида гар ўзга юзга бокмасам тоиг йўқ
Ки таскин изтироби хотиримга бермагай ҳар юз.

Гули рухсори ишқининг ғами ичра ажаб эрмас,
Хазон барги киби бўлса мани маҳзунга асфар юз.

Юзи шоми фироким ёрутур хуршид ёрутмас,
Анго демак галаттур меҳри раҳшонга баробар юз.

Юзин бир кўрмак айлаб орзу ўлмакка етмишман,
Тараҳҳум айлабои кўргузмас асло ул ситамгар юз.

Сипоҳи ишқ имдоди била бўлғум тараф ёлғуз,
Ғаму андуҳи ҳижрон лашқарн гар мииг эрур, гар юз.

Фано баҳрига киргач гар тиласан гавҳари мақсад
Ки гаввос ўлмагон одамга очмас ушбу гавҳар юз.

Юзин кўргузмак ул ой Огаҳийга ваъда айлабдур,
Магарким ахтари толиъ анго очмиш мунаvvар юз.

Нозанинлардур саиға, эй сарв иоз,
Ишқбозу ишқбозу ишқбоз.

Рахм қил ҳажринг ўти келди, басе
Жонгудозу жонгудозу жонгудоз.

Илтифотнинг айлагил аҳволима,
Чорасозу чорасозу чорасоз.

Лутф этиб ушшоқ аро қилғил майи
Сарфарозу сарфарозу сарфароз.

Муддайилар сұхбатидин айлагил,
Иҳтирозу иҳтирозу иҳтиroz.

Ишқинг ичра йўқтурур май зордек
Покбозу покбозу покбоз.

Күб бўлуб жавринг мани дилхастага,
Лутфинг озу лутфинг озу лутфинг оз.

Қилди ишқинг хайли сабрим мулкига
Тарктозу тарктозу тарктоуз.

Ҳажр аро субҳимни қилмай шомдин
Имтиёзу имтиёзу имтиёз.

Мутрибо, созингни овозинг била
Айла созу айла созу айла соз.

Кўр ниёзин Оғадийнинг, раҳм қил,
Қилма нозу қилма нозу қилма ноз.

* * *

Навбаҳор айёми бўлса ҳар ким айшу боғсиз,
Лоладек бир лаҳза ғамдин кўнгли эрмас доғсиз.

Кимса бўлса боғу бўстонсиз агар фасли баҳор,
Ўйла нахлидурки бўлгой шоҳау яфрогсиз.

Ҳар кўнгулким боғ аро ишрат майдии шод эмас,
Машъалидурким ёруглиқ йўқтур онда ёғсиз.

Ҳар кипи кошонасиким бўлмаса боғи онинг,
Ез айёмида бир дўзах эрур учмоғсиз.

Бордуур қишидин совукроқ сухбатин гарм айламак,
Ез фасли ёр бирла уйда боғу-роғсиз.

Ўйла сел оқизди кўздин боғ айши ишрати
Ким тошилмас рубъи маскун ичра ер бутроғсиз.

Гарчи ёрмоқсиз киши эрмас кишилик сонида,
Боғсиз ўлғондин аммо яхшидур ёрмоғсиз.

Үлса хористон не тонг бечора булбулга ватан,
Ким жаҳон боғида ер йўқтур ҳужуми зоғсиз.

Кулбан вайронда тонг йўқ, Отаҳий, бўлса малул
Ким эмастур дөғсиз кўнгли, замони боғсиз.

* * *

Эй кўнгул, одам хаёл айлаб дема иодонга сўз,
Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.

Сўздур инсон кўнглида бир гавҳари қийматбаҳо,
Они хор этма, дебон ҳар ҳуши йўқ ҳайвонга сўз.

Вах, на янглиғ билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини
Ким топар ҳаз етса ул кунжоруа сомонга сўз.

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмга мушкулдуурур
Ким бўлуб сўз аҳли бағри қону ботгай қонга сўз.

Сангдил жоҳилга тонг йўқ сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.

Ҳар хасосат шевага сўзинги зойиъ қилмогил,
Сўз демак истар эсанг де соҳиби иҳсонга сўз.

Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно демак иодону беирфонга сўз.

Ахмақ аҳли билмагай сўз ичра ўз беҳбудини,
Ўзига қилгай зарар охир чекиб ҳазёнга сўз.

Сўз қабул уммиди бирла демагил ҳосидгаким,
Одами маъқул эта олгай қачон шайтонга сўз.

Рахм этиб сўз ҳолига, жоҳилга они демагил
Ким бўлуб безор ондин, келгуси афгонга сўз.

Оlam ичра борча ишдин қоттигу душвордур,
Огацый, маъқул қилмоқ беҳаё иодонга сўз.

Нозу карашма боғининг сарви равони сизмусиз,
Ошиқи хаста жисмининг роҳати жони сизмусиз.

Қуллуғингизга фахр этар куйингиз ичра хўблар,
Кишвари ҳуси таҳтининг шоҳи жаҳони сизмусиз.

Ғамза ўқини ёшурун отибон, айлаган аён,
Кўксимиз узра ҳар тараф неча ярони сизмусиз.

Ғарқаи ҳайрат айлаган кўзларимизни кўзгудек,
Кўргузубон карашмау, нозу адони сизмусиз.

Зор кўнгулни бир ниҳон дарду фигонга келтурур,
Рост денгизки боиси дарди ниҳони сизмусиз.

Мехру вафоини кўргузуб ўзга улусга дам-бадам,
Бизга ҳамиша қилғучи жавру жафоини сизмусиз.

Шафқату илтифотни бизга кам айлабон басе,
Ўзгага вофир айлаган лутфу атони сизмусиз.

Ишқ ўти ичра Огацый кечаву кундуз ўртсанур,
Ушбу ўт ичра бу сифат ўртаган они сизмусиз.

Юзининг меҳрини кўрган маҳи авварни ёд этмас,
Лабииинг шаҳдини сўргон ети кавсарни ёд этмас.

Етиб туфроқ уза куйида бошга тошни ёстонгои,
Биҳишт ичра мулойим болишу бистарни ёд этмас.

Гули рухсорини ногаҳ тамошо айласа булбул,
Фигонлар тортибон ўтлуғ гули аҳмарни ёд этмас.

Чу иззат аҳлиға роғибдуур үл хўблар шоҳи,
Тонг эрмастур агар бу бандан ахкарни ёд этмас.

Сориг юзга ориғ ашким неча оқса эмастур суд,
Гар истиғно камолидин зару гавҳарни ёд этмас.

Агар шаҳлар боши узра аёғи туфроғи етса,
Жаҳон султонлиғин тарқ айлабон афсарни ёд этмас.

Фигонким, ҳар кеча нўш айлабон ағёр ила соғар,
Хумор ичра агар ўлсам, мани музтарни ёд этмас.

Бурун кўб ваъда гарчи айламиш эрди, vale эмди
Бирин ҳам ёдига солмас демай аксарни ёд этмас.

Бас эткил, Огаҳий, ўтлуғ фигонингким, сани ул ой
Нечаким ўртасанг афлок ила ахтарни ёд этмас.

Керакмас гул манга ул шўхнинг гулгун янгоқи бас,
Нетай шаҳду шакарни шарбати ширин дудоқи бас.

Нетиб сарву суман сайрига майл айлайки, ёримнинг
Тамошойи қади зебосию симин сақоқи бас.

Деманг руммон ила бодом васфин хаста кўнглумга,
Нигорим лаъли руҳафзоси-у дилкаш қапоқи бас.

Жаҳон раъноларининг сухбатин кўнглум на қилсунким,
Анга ул дилрабонинг базми васли иштиёқи бас.

Қуёш тоғин бошимга гар фалак қўйса бўюн сўнимон,
Нединким маҳвашимнинг бошима етса аёқи бас.

Боқиб икки күзим ою қуёш шаклига иетсунким,
Олорға шаҳсуоримининг икки заррин чаноқи бас.

Қабул этман агар оғушини ҳур айласа жойим
Ки жоним роҳатига ул пари пайкар қучоқи бас.

Агар ҳайвои зулолин хизр берса оғзима олмон
Ки дурди бода лутф этса манга гулчехра соқи бас.

Ҳавас жоми жам этмои, Оғаҳий, май нўш этар чоғда
Ки жоми жам манга ёр итлари сингон ялоқи бас.

Манга туи хилват ичра бўлди мутрибзодай мунис,
Онингдекким хумор аҳлига бўлгой бодаи мунис.

Тараб узра тараб кўнглумга еткурди тутуб соғар,
Бўлуб гулчехра соқийи тараб омодай мунис.

Не тонг андуҳу кулфат қайдидии озодлиғ топсам
Ки бўлмишдур манго бир маҳлиқо озодай мунис.

Ажаб йўқ сода кўнглум етса ҳар комигаким, бўлмиш
Анго юз лутф бирла бир ингори содаи мунис.

Мурувват шаръида вожиб анису дасттир ўлмоқ,
Агар бўлса кишига бекасу афтодай мунис.

Тавозиъ кўргузуб зоҳид ие тонг уис этса ошиқга
Ки ҳайрат жойи эрмас нарга бўлмоқ модай мунис,

Тонг эрмас, Оғаҳий, файзи илоҳига анис ўлса
Ки ул бордур насаб ичра буродарзодай Мунис.

* * *

Бог ичра қадам эй гул, қўйғилки баҳор ўлмиш,
Бог аҳли тилаб васлинг бесабру қарор ўлмиш.

Тирноги била йиртиб гул синасии сансиз
Кўрким тани сартосар хунобу фигор ўлмиш.

Урён тан ила буким елдим қилур афғон сарв,
Қаддинг ғамига тузмай девона шиор ўлмиш.

Ҳолида паришонлиг сунбулнинг эзур, баским
Гисуий паришонинг савдосида зор ўлмиш.

Боши қўйи-у қад ҳам нарғис сори боқғилким,
Саҳбойи нигоҳингни торторга хумор ўлмиш.

Ер узра тўшаб насрин яфроғларини ҳар ён,
Ўпмоқга кафи пойинг йўлингда губор ўлмиш.

Ишқинг ғамида туи-кун фарёду фигон тортиб,
Ҳам булбулу, ҳам қумри маҳзуну назор ўлмиш.

Ман зор ила бўлмоқдин ор айлама бўстонда
Ким субҳу масо гулиинг ҳамсухбати хор ўлмиш.

Боғ ичра хиром айлаб кел, Оғаҳийни шод эт
Ким боғ аро ул сансиз юз ғамга дучор ўлмиш.

* * *

Хўблардин орзу меҳру вафо қилмоқ ғалат,
Ул вафосизларга ўзни мубтало қилмоқ ғалат.

Гар жафо таркига ваъда қилсалар, олдоммагил,
Ким олардин бир нафас тарки жафо қилмоқ ғалат.

Айласаңг юз жон фидо бир айламаслар илтифот,
Ул ситамгарларга нақди жон фидо қилмоқ ғалат.

Одату ойинларидур айламак жавру жафо,
Орзу ул хайлдин лутфу ато қилмоқ ғалат.

Дардманد ўлғон киши кирпикларининг нишидин,
Лаблари иўшидин уммиди даво қилмоқ галат.

Ошнолардин тиларлар дойимо бегоналиғ,
Ўзин ул бегоналарга ошно қилмоқ галат.

Ўқ киби қоматларин чекмак тилаб оғуш аро,
Шавқ бозуси кучидин қадни ё қилмоқ галат.

Кўкка чиқсанг ҳам қуёшдек тушкосан ер остиға,
Иззу жоҳи даҳрдин кибру ҳаво қилмоқ галат.

Огаҳий, назм ила сўзким иазм аро фазл ахлига,
Сан киби зоҳир каломи жонфизо қилмоқ галат.

*

Юзунгни кўргали бўлмиш манга зулфи дуто мониъ,
Нечукким истаганга ганж бўлгай аждаҳо мониъ.

Узоринг меҳридин гар муддаи бебаҳрадур, лекин,
Ки шабпар очқоли кўз бўлғуси нури зиё мониъ.

Такаллумга тил очмассан мани кўргон чоги, билмои,
Ғазаб мониъму эркан, йўқ эса шарму ҳаё мониъ.

Тонг эрмас гарди роҳинг кўзга етгач тўхтаса ашким
Ки кўз ёши оқарга бўлғусидур тўтиё мониъ.

Оёқингга юзим суртуб тиларман обрў топмоқ,
Бошинг ҳаққи, замоне бўлмоғил, эй маҳлиқо, мониъ.

Келай деб ваъда қилдинг, келмадинг ушбу гадойингга,
Ким ўлди билмадим, эй хўблар шохи, санга мониъ.

Рақибинг мониъ ўлмиш ком олурга жоми васлингдин,
Анго ҳам еткали мақсудига бўлсун худо мониъ.





Насибимдур азалда ишқ аро расволиг, эй носих,
Бу иш ичра худо ҳаққи учун бўлма манга мониъ.

Неча кўб бўлса журминг авфу раҳматдин умид узма,
Эмас баҳри карам мавжиға хошоку хато мониъ.

Агар қилсанг ибодат сидқи дил бирла қил, эй зоҳид,
Ки мақсадға етарга бўлғуси реву риё мониъ.

Фаноу фақр сори Огаҳийнинг кўнгли мойилдур,
Илоҳи, нафси шайтон макрини қилма анга моинъ.

Эй жабининг чинидин кўнглум саросар тоблиғ,
Ҳалқаи зулфинг била жон бўйнидур қуллоблиғ.

Қаҳри шиддат тавру тарзина бериб ҳар дам ривож,
Мехру шафқат расмиға еткурмагил ноёблиғ.

Мулки дунёким улусга мазраи уқбо дуурур,
Оқизиб иҳсон сувин бергил анга сероблиғ.

Оҳким, аҳли замон олида одам улдуур,
Ким эса ҳайвон киби нодону, хурду хоблиғ.

Касби жаҳл эт, эй кўнгул, ушбу бурудатгоҳ аро,
Истасангким жисминг ўлгой киш ила санжоблиғ.

Истагай олмоқ гадо илгида кўрса бир дирам,
Кимки Қорундек эса минг ганжи зарри ноблиғ.

Юз жаҳон мулкига тўймас аҳли давлатнинг бири,
Вах, нечук факр аҳли бўлсун мулк ила асбоблиғ.

Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санга бир кулча ер,
Борча умрингда на ҳосил айласанг мироблиғ.

Мани бедил санго то бўлмишам, эй дилрабо, ошиқ,
Бори ушшоқ аро йўқтур майингдек бенаво ошиқ.

Не тонг гулшанда гул чок этса ҳар ён кўкснни улким,
Сангадур ичча дарду ғамға бўлғон мубтало ошиқ.

Туни куи нега тинмай эврулур тегрангда ою кун,
Агар эрмас эса ул икки саргардон саиго ошиқ.

Жамолинг жилвасиким тоғ жисмидин олур тоқат,
Киши одам эмас гар бўлмаса кўргач анго ошиқ.

Сақоҳум, раббуҳум, саҳбойи нобидур лабинг шаҳди,
Хумори дардиға ондин умид айлар даво ошиқ.

Агар минг жавр қиласанг дарди ишқинг таркин
этмонким,
Бўлур шавқи фузунроқ нечаким чекса жафо ошиқ.

Қилурман етса сандин ҳар жафоу жавр юз-минг шукр
Ки қилмоқдур шикоят ёр жавридии хато ошиқ.

Агар жавр эт, вагар иҳсон на қиласанг комим улдурким
Ризойи ёрсиз ҳеч ишни қилмас муддао ошиқ.

Қилур фош Огаҳий дарду ғамин мақсуди улдурким,
Санго ҳар нафспарвар бўлмагай оламда то ошиқ.

Куйса олам бўлма ҳайрон, ўтлуг афғонимға бок,
Ўтлуг афғоним таажжуб қилма, жононимға бок,

Кумрни маҳзун киби ҳар кеча нолам маддини,
Манъ қилма жилваи сарви хиромонимға бок.

Заъфаронзор ичра симоб оқғонин гар кўрмасанг,
Ҳар тараф сарнг юзимда ашки галтонимға бок.

Печутобим айб қилма ўтға тушкан қил киби,
Нотавон кўнглумда ўтлуғ доги ҳижронимға бок.

Ҳайрат этма гар бало тўғони тутса даҳрни,
Сели ғамға манбаъ ўлгон чашми гирёнимға бок.

Қасд айлар дам-бадам ранжу, фироқу, дарди ишқ,
Чиқмағон мунча азоб ичра қотиг жонимға бок.

Дема кўнглингдек недин ул куй тавфин қилмоғунг,
Йўлида туфроқ бўлғон жисми вайронимға бок.

Қуллари ичра бузук ҳолимни мандин, эй рафиқ,
Қилма истифсору, истиғнойи султонимға бок.

Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,
Чашми ибрат бирла дард ангиз девонимға бок.

* * *

Хуснунг қуёши түғмиш, эй маҳлиқо, муборак,
Жумла жаҳонға солмиш нуру зиё муборак.

Фаррух юзинг латофат бўстонининг гулидур,
Тоза очилмиш, аммо сартобапо муборак.

Икки қошинг камолу иқбол авжи узра,
Икки ҳиллодурким қилмиш худо муборак.

Қаддинг ниҳоли наврас боғи саодат ичра,
Ушбу ниҳол, ёраб, бўлсун санго муборак.

Ийд оқшомида гулдек нозик танингга кийган,
Зардор тугма бирла рангин қабо муборак.

Киргузма сұхбатингга ҳаргиз рақиби никим,
Ул шумнинг қудуми бор асру номуборак.

Меҳру вафо манга, эй ҳусн аҳли шоҳи, қилдинг
Бўлсун илоҳи ушбу меҳру вафо муборак.

Токим майга қулум деб қилдинг хитоб, юз шукр,
Ким бу қарамдин ўлди толи манго муборак.

Тун-куи дуом ўлубдур иқбол ила камолиниг,
Уммидим улки бўлғой ушбу дуо муборак.

Май бандай муҳаққар, сан шоҳи лутф густар,
Мандин дуо муносиб, сайдин ато муборак.

Олдингга ҳариа келса рози анго бўл, эй дил,
Ким бу равишни тутмиш аҳли ризо муборак.

Гар бўлса авфу раҳмат аҳли гунаҳга маҳсус,
Эй бандай гунаҳкор, журму хато муборак.

Мақсуди Отаҳийнинг жои берса қуллуқингда,
Бу мақсадини, ёраб, қилгил анга муборак.

Солди ўт кўнглума ўғрин боқишинг,
Олди жонимии қараб қош қоқишинг.

Қолмагой кул бўлмайин бору йўқим,
Гар бу эрса ишва ўтии ёқишинг.

То абад йўқтур халосим гар будур,
Бўйиума ишқинг камаидин тоқишинг.

Тиги мужгонинг етурди жонга захм,
Дуржи лабдин қони марҳам ёқишинг.

Хирмани умрим күёр андоқки абр,
Гар бу эса қаҳр барқин ҷоқишинг.

Жавринг айёмин дегунг ошиққа ёз,
Гар будур ёзинг нечук оё қишинг.

Ғам чекарда битмади ёлғуз ишим,
Дўстлар, ушбу ишимга боқишинг.

Ер юзин тўфон олур, эй кўз ёши,
Тинмайин бир дам бу эрса оқишинг.

Юз назарга ўзга гар қониъ эмас,
Оғаҳийга басдурур бир боқишинг.

Рўза олмишдур иликдин ихтиёrimии менинг,
Қўймомишдур заррача сабру қароримни менинг.

Ақлу ҳушимни қилиб маъдум мафқудул асар,
Юз шиканж ичра солур жони назоримни менинг.

Ҳеч бир аъзода қувват қўймайин тебрангудек,
Инқти туфроқ узра жисми раъшадоримни менинг.

Тоғдек бошим оғир айлаб, қулоким кар қилиб,
Айлади бенур чашми ашкборимни меининг.

Гаҳ солиб жонимга таб, гоҳи бериб жисмимга тоб,
Айлади иобуд тамкину викоримни менинг.

Рўзау дай шиддати ҳар соридин айлаб ҳужум,
Қилдилар торожу ғорат йўқу боримни менинг.

Борча бир ёну, бу бир ёнким хумори жоми май,
Ожиз этмиш ман киби зебо иигоримни менинг.

Соқиё, айлаб тараҳҳумлар мани махмурға,
Лаббалаб согар тутуб рафъ эт хуморимни менинг.

Жоми рангин бирла бергил чойи қанддии дам-бадам,
Ким риёзат шиддати кести мадоримни менинг.

Гар сўзим берабт бўлса, Огаҳий, айб этмаким,
Рўза олмишдур илиқдин ихтиёrimии менинг.

* * *

Кўнглум ғамин, эй дўстларим, ёrima айтинг,
Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг.

Шоядки тараҳҳум қилибон кулбама келгай,
Холимни паризоди вафодорима айтинг.

Иstab нигаҳи гўшаи чашмин топа олмай,
Беморлигим кўзлари bemorima айтинг.

Мужгони хаёли била ҳар лаҳзада минг ўқ,
Сончилгонини бу тани афгорима айтинг.

Озорига кўнглум чидамай, эмди ўлумга,
Рози эрур ул шўхи дилозорима айтинг.

Келсун доги қатл айласуну, қонима қонсун.
Қотилвашу, ошиқкушу, хунхорима айтинг.

Огаҳийни ўлтурсуну, ё комини берсун,
Зинҳор бориб ёри жафокорима айтинг.

Рўза айлаб мани баси далтанг,
Бошим оғир, аёқим этти ланг.

Қочуруб кун-бакуи кўзимдин нур,
Учуруб дам-бадам юзимдин ранг.

Бузубон ҳайъату сиёқимни,
Тоб берди танимга ўйлаки чанг.

Расми ноаҳллик қилиб зоҳир,
Шишайи ишратимга урди санг.

Айш базми майи хумори била,
Тилим алкан, қулоқим этти гаранг.

Чошибон ақлим ўлмишам мабхут,
Маҳв ўлуб фаҳму, донишу, фарҳанг.

Кўтара олмоғум қалоғимни,
Кипидекким ҳамиша чеккай банг.

Не баданда мажол этарга шитоб,
Не кўнгулда хаёл этарга даранг,

Эмди, эй дўстлар, умид этманг,
Мандин осори ҳушу, ному, наанг.

Эмас эрди бурунғи ранжим оз,
Қилмиши устига рўза ҳам оҳанг.

Огахий, билма рўзадин ёлғуз
Қарилиғ ҳам сани қилибдур танг.

Қистурубдурму боши атроғига жонона гул,
Е магар рухсори шамъига эрур нарвона гул.

Не учун юз чок қилмишдур яқосин, эй пари,
Гул юзинг кўргач агар бўлмайдурур девона гул.

Жисми сартосар ёниб ўтлуғ узоринг тобидии,
Садқа айлар бошинга ўзини ёна-ёна гул.

То тамошойи жамолинг нашъасидин олди ком,
Сурх рўлиғ бирла айлар хандаи мастона гул.

Гулшан ўлди гул юзинг васлидин элга шоиаси,
Билмадим топғой қачон бизинг бузук кошона гул.

Тут ғанимат неча кун айшу тараб айёмни
Ким на булбул қолғуси бу бог аро, жоно, на гул.

Дема шабнам боғ ароким бевафолиғ дардидин,
Сочғусидур ҳар саҳар ашқини дона-дона гул.

Ер ила ҳамсұхбат ўлсанг, гул кетурма базм аро,
Ким бу хилват ичрадур иомаҳраму бегона гул.

Келмаса күлбангға ёринг, Огажий, йўқтур ажаб
Ким қачон қилғуси булбул ошёнин хона гул.

Эй гўзал, баҳор бўлмиш азми сайри саҳро қил,
Ҳар сори гулистонлар гулларин тамошо қил.

Уйда ўлтуруб табъинг гар мукаддар ўлмишдур,
Сайр сайқалидин ул кўзгуни мужалло қил.

Жилвагар бўлуб ҳар ён, очибон гули ҳуснуңг,
Файз ила чаманларни боғи жанинат осо қил.

Сансиз гулистонда андалиб эрур ҳомуш,
Гул юзинг очиб они субҳу шом гўё қил.

Гул тани эрур ҳажринг ханжари била юз чок,
Марҳами висолингдин захмиға мудово қил.

Хандаи лабинг истаб таигдил эрур ғуича,
Очғоли онинг кўнглин бир табассум ифшо қил.

Истабон изазар сандин хира чашм эрур наргис,
Бир игоҳ ила онинг кўзларини бийно қил.

Жамъ этарга сунбулнинг хотири паришонни,
Гул киби юзунг узра кокулииг мутарро қил.

Сайр аро пари ёнглиғ қаддинга бериб жилва,
Сарв ила санавбарни бекарору шайдо қил.

Хуш сафо гулистоилар ичра ўлтуруб гоҳ-гоҳ,
Илкинга олиб согар майли иўши саҳбо қил.

Ушбу сайр аро айлаб Огаҳийни ҳамроҳинг,
Борча аҳли ишқ ичра рутбасини воло қил.

* * *

Шароби ҳусн қилмиш гул юзини гулгун, эй булбул,
Муносиб вақт эрур мастона қилсанг ғулғул, эй булбул.

Чаман лабрез файз ўлса не тонг дилкаш унингдинким,
Қизор базму тараб гар қиласа мино қул-қул, эй булбул.

Тўла шабнам эмас гул соқийи даврои санга тутмиш,
Тараб саҳбосидии боғ ичра жоми мул-мул, эй булбул.

Зафар ғам хайлига топсанг эрмаским, санго букун
Тикаидур зулфиқору, шохи гулдур дулдул, эй булбул.

Ғанимат бир-бираиниг сұҳбатин тутмоқ муносибдур,
Ки не гул қолгуси бу боғ аро, не булбул, эй булбул.

Хамуш ўлким бу саҳро қушлари олида хушпокдур
Навойи дилкушойингдин садойи чулчул, эй булбул.

Наво мастрона чекса, Оғаҳий, сандек ажаб эрмас
Ки ёриининг юзи май тобидиндур гулгун, эй булбул.

Гул юзингни токи күрди, эй пари рухсора, гул,
Жайбини девоиалардек айлади юз пора гул.

Боғ аро келди яна еткач баҳори мақдамииг,
Умрлар ҳажриниг хазонидин эди овора гул.

Гулда рангу барг эмаским тиги ишқинг захмидин
Бўлди бошдин то аёқ яклахт қонлиғ ёра гул.

Гул бошига соя сол, эй ҳусн шоҳиким, санго
Бир паришон ҳол бўлгон бандан бечора гул.

Зар аёқингга сочиб, ҳар баргидин бир тил очиб,
Илгинг ўимоқни тилар ёлборау ёлбора гул.

Май ўна олмон аёқинг, гул ўпар илгинг мудом,
Билмайин ҳайратдадурман ким экан не кора гул.

Куйинга борсам яқом чок айлабон манъ этмаким,
Гулшани васлинг аро ер тутти бора, бора гул.

Чунки сан сайр айладинг, бўлди қудуминг юмнидин,
Чархи воло гулситону, событу, сайёра гул.

Оғаҳийнинг зор кўнглин вasl аро шод айлаким,
Булбули гамгингадур гулшан аро гамхора гул.

* * *

Юзунгни боғ аро кўрдим, гули аҳмар хаёл этдим,
Лабингни базм аро сўрдим, тунук шаккар хаёл этдим.

Тамошо айлабон пайваста қошинг бирла рухсоринг,
Тугубдур қавс буржидин маҳи анвар хаёл этдим.

Ҳаёт афзо лабинг узра хати жон парваринг кўргач,
Масихо бирла ҳамдам Хизр пайғамбар хаёл этдим.

Зарофат бирла сўз айтур чоғи базм ичра тор оғзинг
Очилишишдур сочарға хуққаи гавҳар хаёл этдим.

Дурахшои гавҳар осилғон кўруб юз узра бошингдин,
Кирон эткан қуёш бирла мунир ахтар хаёл этдим.

Кўруб тавру ясоқингни паривашлар сафи ичра,
Сани шоҳу оларни чокару лашкар хаёл этдим.

Не шаҳким гамза тигин тортибон борча кўнгул мулкин
Мусаххар қилголи азм эткан Искандар хаёл этдим.

Жанобинг тошу туфроқини ёстонсам, тонг эрмаским,
Оларни ман мулойим болишу бистар хаёл этдим.

Қилибсан Огаҳий ташбих ул ой рухсорини кунга,
Falat эркан сани ман асрү донишвор хаёл этдим.

Етиб васлингга бўлди барча олам шод, ман қолдим,
Дами бўлмай фироқинг бандидин озод ман қолдим.

Топиб ширин сўзингдин муддаилар ком ила роҳат,
Кўруб коғир кўзингдин зулм ила бедод, ман қолдим.

Тузуб эл гулшани базминг аро ишрат навосини,
Чекиб гам маҳбасида нолау фарёд ман қолдим.

Ҳама ишқ аҳли топти комини васлинг шаробидин,
Ичарга заҳри ҳажрингни бўлуб мутьод ман қолдим.

Фигонким, баҳра олиб ўзгалар таълим лутфингдин,
Маншат илми ичра бўлдилар устод, ман қолдим.

Ҳама мақсад арусин ақд этиб, ком айлади ҳосил,
Вале юз саъӣ этиб бўлмай занго домод, ман қолдим.

Эшиткил додим, эй хўблар шаҳиким, илтифотингдин
Бори эл истаганча олди комин, дод, ман қолдим.

Ҳама олиб иноят мазраъидин дона юз хирман,
Вале сомони умримни бериб барбод, ман қолдим.

Қилиб аҳли қабул имдод лутфингдин бино юз қаср,
Валекин айлай олмай бир катак бунёд, ман қолдим.

Карамдин туз бузук ҳолимниким, меъмори лутфингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмайин обод ман қолдим.

Тонг эрмас изтиробим Огаҳийким, ўзга қуллардек
Қариғон чоғда ғамдин бўлмайин озод, ман қолдим.

Дўстлар, бу кун ажаб бир сарв қомат кўрмишам,
Сурати бошдин аёқ гарқи латофат кўрмишам.

Офтоб осо мунавар талъати фархундасин
Оlamоро ахтари авжи саодат кўрмишам.

Юзларининг шаклини англаб гули гулзори лутф,
Кўзларининг суратин айни иноят кўрмишам.

Жон физо ширин лабини топмишам оби ҳаёт,
Рухпарвар иуктасин дурри зарофат кўрмишам.

Қочса ҳушим тоиг эмас кўргач қиёми қоматин
Ким, мани ҳайрон они қойим қиёмат кўрмишам.

Тургонин базм ичра илгин қовшуруб одоб била,
Бекарору музтариб кўнглумга роҳат кўрмишам.

Жон киби нозик белида фўтаи зар остида
Беш қабзи тийгини жонимга офат кўрмишам.

Билгуси ҳар муддао хотир аро қилғоч хутур,
Табъига маҳсус онинг фахму фаросат кўрмишам.

Кўрмадим монанд анго чобуклик ичра нечаким,
Дилраболар жилвасин бехадду гоят кўрмишам.

Билмадим ҳолим ие ерга ойид ўлғой оқибат
Ким ўзим шавқида кўб бесабру тоқат кўрмишам.

Огаҳий, эмди манга ўлмакдин ўзга чора йўқ
Ким букун жонимда дардин бениҳоят кўрмишам.

Менинг мақсадим улдурким санинг бошингдин
айлансам,
Оёқинигта бўлуб садқа, кўзу қошингдин айлансам.

Чу сен келдинг кичик ёшинг била ҳолимни сўрмокға,
Керакдур ман қари бандаиг кичик ёшингдин айлансам.

Сўруб ҳолимни лаълингдин гуҳар сочting муносибдур
Бериб жон жавҳарин лаъли гуҳар пошингдин айлансам.

Букун бир шўх ила йўлдош ўлуб келдинг, эрур лозим
Санга ман садқа бўлсан доги йўлдошингдин айлансам.

Ики зулфинг тушубдур чирмashiб ўтлуг юзинг узра,
Ениб жоним не тонг ул икки чирмошингдин айлансам.

Итим деб шўхликлар кўргузуб, отдинг манга бир тош,
Ажаб йўқ ит киби сачраб туриб тошингдин айлансам.

Азал наққоши нақшинг булажаб чекмиш, ажаб эрмас,
Тамошо айлабон нақшингни, наққошингдин айлансам.

Боқиб кўз остидин пинҳону фош этдинг тагофиллар,
Ниҳонингга не тонг бўлсан фидо, фошингдин айлансам.

Қилиб раҳм Огаҳий кўз ёшига келди ҳамул ёшинг,
Бу ёшингдин не тонг эврулсам, ул ёшингдин айлансан.

Қўюнг, йиглайки ушбу кун севар ёримдин айрилдим,
Муруватлиғ, муҳаббатлиғ вафодоримдин айрилдим.

Баҳори васл аро бир андалиби хуш наво эрдим,
Етиб ҳижрон ҳазони, тоза гулзоримдин айрилдим.

Ҳазин кўнглумни кимга боғлайин, ваҳ эмдиким, бу кун
Фалак зулм айлабон хушхўй дилдоримдин айрилдим.

Ғаму дардимга чора кимдин истайким, мани маҳзун
Муину, мушфиқу дилжўй ғамхоримдин айрилдим.

Ажаб йўқ ним бисмил қуш мисиллик изтиробимким,
Ҳумо парвозу, маъни сайд шунқоримдин айрилдим.

Жаҳон бозорида қадрим матои гар эса косид,
Тонг эрмаским, муҳаббатли харидоримдин айрилдим.

Қарилиғ чогида қувват кетиб, афтода бўлғонда
Жувон давлат, фалак қудрат мададкоримдин айрилдим.

Ниҳон розим тонг эрмас эмди бўлса элга зоҳирким,
Анису маҳрам ўлғон соҳиб асроримдин айрилдим.

Мани мотам тунида Огаҳийдек ёлғуз, эй аҳбоб,
Қўюнг, йиглайки ушбу кун севар ёримдин айрилдим.

Хароб ўлсун, илоҳи, гунбази даввор чархи дун
Ки, дойим даври каждур, таври шуму, ҳайъати вожун.

Онинг кажравлиги таъсиридандур, бу жаҳон ичра,
Жафо аҳли ҳамиша хурраму аҳли вафо маҳзун.

Бироким топса ёдек тийнати кажлик била тахмир,
Бўлур коми ўқи дойим мурод оможига мақрун.

Бироким бўлса сидқу ростлиғ ичра алиф янглиғ,
Қади бори миҳан остида бўлғай ул сифатким нун.

Бироким бўлса хиссат пешаси ҳукмин суруб элга,
Жаҳон амволини йигиар уйига ўйлаким Қорун.

Бироким аҳли ҳиммат бўлса гам кунжин мақом айлаб,
Ҳамиша фақру фока меҳнатидандур юзи олтун.

Бироким оғзидин чиқғай дамодам фаҳш ила дашном,
Эрур маскан анга айвони олий қасри гуно-гун.

Бироқим тоза мазмун байт фикр айлаб қолиб тузда,
Инқуқ вайронада ёлгуз, боғридуру юз ваҳм бирла хун.

Бироқим сочса гар эл қасдиға бугзу ҳасад заҳрин,
Бўлур кун-кундин онинг умри бирла давлати афзун.

Бироқим берса гар амвотға ҳар нуқтаси юз жон,
Үлуб ҳасрат била бўлғой адам туфроғида мадфун

Фано қасрига еткур. Отахий, жаҳд айлабон ўзни,
Агар истар эсанг бўлмоқ жаҳон андуҳидин маъмун.

Бу кун, эй дўстлар, ҳолим хароб ўлғонга йиғларман,
Ки, яъни дарду доғим беҳисоб ўлғонга йиғларман.

Бориб аҳбоб бир-бир, ман қолиб бир гўшада ёлгуз,
Ишим маҳбус қушдек изтироб ўлғонга йиғларман.

Боқиб атрофға бир ҳамдам ўлғудек киши топмай,
Таҳассур ўтиға бағрим кабоб ўлғонга йиғларман.

Етиб бир гүшада танҳо, ботиб ғам ичра сартопо,
Малолат ашқидин чашмим пуроб ўлғонға йигларман.

Кўруб ҳолим жабинида малолу кулфат осорин,
Қилиб нафрат иш элга ижтиноб ўлғонға йигларман.

Тамуғдек тийра кулбам ичра кўргач шум шаклимни,
Улусга қочқоли мандин шитоб ўлғонға йигларман.

Қарилиг заъфию бекаслигим дарду балосидин,
Ишим чекмак кеча-кундуз азоб ўлғонға йигларман.

Бу водида бўлуб дарё талаб бир қатра сув топмай,
Насибим оқибат муҳлик сароб ўлғонға йигларман.

Ўтиб авқоти умрим фикри фосид бирла сартосар,
Ҳануз ул ишга манда иртикооб ўлғонға йигларман.

Адо қилмай ҳузури дил била бир кун намозимни,
Сазовори уқуботу итоб ўлғонға йигларман.

Сўз ичра Огаҳий булбулдек айлаб хуш адолиглар,
Маконим чугздек дойим хароб ўлғонға йигларман.

Илоҳи ҳар кунинг навруз бўлсун,
Ҳамиша толининг феруз бўлсун.

Бўлуб айёми наврӯзунг муборак,
Замиринг инбисот андуз бўлсун.

Қилиб партав фиканлик айни адлинг,
Қуёш осо жаҳон афруз бўлсун.

Санго дойим бўлуб давлат қуши ром,
Шикор андозу даст омуз бўлсун.

Адув ваҳшиларини сайд этарга
Ўқу тигинг уқобу юз бўлсун.

Кишиким истаса саркашлиғ этмак,
Боши йўлингда онинг туз бўлсун.

Тараб меҳри ҳамиша пок кўнглунг,
Сипехри авжида маркуз бўлсун.

Тарабгоҳинг аро ҳайёти гардун,
Канизу золи хилъатдўз бўлсун.

Кўруб лутфингни ҳар тун Огаҳийнинг
Насиби ишрати наврўз бўлсун.

Кел, эй чобуксуворимким, басе зору низорингман,
Бошимин кўкка еткурким йўлинг узра губорингман.

Эруман ғам уқоби чангидагарчи басе логар,
Валекин шоҳбози лутфинга лойик шикорингман.

Тамошо ҳусну дийдорингни қилмоқ орзу айлаб,
Ҳамиша ним бисмил қуш мисиллик бекарорингман.

Қуёш ёнглиғ келиб нури жамолингдин ёрутгилким,
Қаради кўзларим тортиб йўлингда интизорингман.

Улар ҳолатга етмишман ғамингдин, кел бошим узра,
Ки жоним нақдини айлай қудумингга нисорингман.

Мани ишқ аҳли ичра илтифотингдин азиз эткил,
Ки ман ул хайл аро кўб муддат ўлмишдурки хорингман.

Тараҳҳум айлабон васлинг мулоим марҳамин еткур,
Ки ҳижрон тиги бирла сина чоку дил фигорингман.

Чу сан юз ваъдалар айлаб вафо бирига қилмассан,
Вале ман юз жафо тортиб вафода устуворингмая.

Не тонг назм ичра нозик табъ эсамким, Оғаҳий ёнглиг,
Белингнинг фикри бирла шоири диққат шиорингман.

* * *

Эй париваш, очма юз ишқ аҳли шайдоланмасуи,
Мандин ўзга ҳеч ким ишқингда расволанмасун.

Юз жаҳои савдоси турранг иқдида музмардуур,
Воқиф ўл оҳим ели бирла мутарроланмасун.

Айлагил қаддинг ииҳолин жилвагар боғ ичраким,
Сарв раъноланмасун, шамшод зеболанмасуи.

Лаъли хандон бирла гулшан сайрин эт ҳар субҳим,
Ғунчалар кўнгли очилмоқға тақозоланмасун.

Наргис олида ёшурғил юзниким, ул оч кўз,
Ком олурга хони ҳуснунгдин таманноланмасун.

Гаҳ-гаҳи кўргуз қуёшқа чеҳраким, ул хира сар
Билсун ўз ҳаддинию ҳусн ичра даъволанмасун.

Очма дидоринг рақиб оллидаким, ул бад назар
Пок рухсоринг сори боқиб тамошоланмасун.

Кирпигинг жон қасди айлар қошинг имоси била,
Ераб, андоқ ўқ мунингдек ё била ёланмасун.

Истасанг зоҳид бақойи жовидони ўзлугунг,
Айла фоний ўйлаким то ҳашр пайдоланмасун.

Маст жоми кибр ўлуб ҳаргиз ўзии билмагай,
Нотавон аглаҳ топиб давлат тавоноланмасун.

Бу чаманинг рангу бўйида бақо йўқ, эй сабо,
Айтғил гулларгаким, кўб зебу ороланмасун.

Булбули шўридаларга доги мендин арз қил
Ким вафо гулдин тилаб беҳуда гавғоланмасун.

Огаҳий, қилғил онингдек назм аро гўё тилинг
Ким тили назм аҳлининг сўз дерга гўёланмасун.

* * *

Юзунг очким қуёш садқанг бўлуб бошингдин айлансун
Янги ой юз тавозинъ кўргузуб қошингдин айлансун.

Агарчи лаълу ёқут эл замирнга муфарриҳдур,
Ҳаёт афзо ики лаъли гуҳар пошингдин айлансун.

Тану жоним ҳадаф айлаб, ўқу тош отсанг, эй чобук,
Бири ўқингдин эврулсун, бири тошингдин айлансун.

Рақибинг гар эрур хасмим, они йўлдош этуб келсанг,
Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин айлансун.

Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ жамолингдин
Ки ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшингдин айлансун.

Боқиб кўз учидин инхон, фош этдинг тағофиллар,
Иўқу борим ҳамул пинҳон ила фошингдин айлансун.

Неча қаллош эсам ҳам ағниё оллида бош эгмои,
Ғанийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин айлансун.

Чу бергунг ион ила ош, эй сахий, сидқ аҳлига бергил,
Риёву кизб аҳли ион ила ошингдин айлансун.

Ул ой кўнглига қилди, Огаҳий, оҳу ёшинг таъсир,
Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансун.

* * *

Тараҳұм айлабон, эй меҳрибоним, нега келмассан
Ки, етти чиққали ҳажрингда жоним, нега келмассан.

Үтуб умрим фироқингда ёвуқ ётмишман ўлмакка,
Қошимга бир дам, эй Исо нишоним, нега келмассан.

Қошимдин то кетиб күздин ниҳон ўлдинг пари ёнглиғ,
Жунун дашти аро бўлди маконим, нега келмассан.

Ғамингнинг ўқлари кўнглумға ҳар ёндин солиб рахна,
Бўлубон бекарор, ороми жоним, нега келмассан.

Бало хайли тузуб лашкар, манинг жонимға қасд айлаб,
Бу дам, эй хисрави соҳибқироним, нега келмассан.

Бўлубон фурқатингда хастау бемор, сўрмоққа
Мана бор эрди деб бер нотавоним, нега келмассан.

Мани оворани ҳижрон ўтиға ташлабон билкул,
Қилиб нобуд пинҳону аёним, нега келмассан.

Шикибу ақлу ҳуш иттниу, ҳам жон чиқғоли етти,
Қилиб раҳм, эй ҳаёти жовидоним, нега келмассан.

Ғамингла Оғаҳий йинглаб туну-кун зору маҳзундур,
Суруди ишрат ила комроним, нега келмассан.

* * *

Агар ул ой иши туи-кун маңга юз жавру ноз ўлсун,
Дамо-дам кўпроқ ўлсун дерману, демонки оз ўлсун.

Нечаким ноз ила ман хоксоридин этак тортар,
Аёқига онинг, ё раб, бошим хоки ниёз ўлсун.

Тиларман қилмагой жуз жони афгорим шикорин сайд,
Агар ишқ оламининг ҳар қуши бир шоҳбоз ўлсун.

Наво топмоқ унингдин истарам базм ичра, эй мутриб,
Ишинг ушшоқ оҳаигида бўлмаоқ нағмасоз ўлсун.

Хазони гам аро афсурдаман қиши янглиғ, эй соқий,
Баҳори лутф ила май гулларин очғилки, ёз ўлсун.

Талаттуф айлабон кўргуз манга ўтлуг юзинг, токим
Ҳасад пеша рақибингнинг иши сўзу гудоз ўлсун.

Фано хайли вужудим мулкини гар тарктоз этса,
Демасман лаҳзан ондин жудо бу тарктоз ўлсун.

Ҳамиша ботинан рогиб ҳақиқат соридур кўнглум,
Нечаким зоҳиран даъби онинг майли мажоз ўлсун.

Сарафроз ўлди васлинг давлатидин аҳли ишқ ичра,
Ҳамиша Отаҳий бу давлат ила сарфароз ўлсун.

* * *

Фигону нола қилсан айб эмас гар ёрдин айру
Ки бўлмас тушса булбул ноласиз гулзордин айру.

Малул ўлма кўруб агёр бирла, эй кўнгул, ёринг
Ки бутмайдур бу гулшай ичра бир гул хордин айру.

Манга санги маломат ишқ важҳидин етар, тонг йўқ,
Урарлар тош била нахлики эрмас бордин айру.

Агар ошиқ эсанг эл таънидин, эй дил, малул ўлма,
Керакдур ошиқ ўлғон бўлса наангур ордин айру.

Хату зулфи хаёли чиқмаса афгор кўнглумдин,
Не тонгким бўлмамиш вайронга мўру мордин айру.

Таажжуб қилмангизлар телбараб сахроға юзлансан
Ки ман девонадурман ул пари рухсордин айру.

Кўнгулдин гайр нақшин соғ қил ёр ўлса мақсадинг
Ки тушмас акси бўлмай ойниа зангордин айру.

Жаҳон золи ўзини кўргузур, гарчи аруси шўх,
Вале эр улки қилса ўзни ул маккордин айру.

Ғами ҳажр асру муҳлиқдур тараҳҳум айлабон ҳаргиз,
Илоҳи Оғаҳийни қилма васли ёрдин айру.

Юзи узра паришон иккни гисуий миашибарму,
Гули аҳмар уза ёхуд дудаста сунбули тарму.

Намоёиму мусаффо жабҳаси узра икни қоши,
Жамол авжида ё икни ҳилоли лутф густарму.

Ики қотил кўзиму жон олурга қасд кўргузган,
Ва ё дин нақдини горат қилурга икни кофарму.

Ики лаълиму эркан оташин рухсори устида,
Ва ё худ ўт уза тушкай икни ёқути аҳмарму.

Латофатлиғ тишиму жилвагар икни лаби ичра,
Мақом эткан икни лаъл ичра ё сероб гавҳарму.

Осиғон икни дурму юз уза ҳар ёи қулоғидин,
Қуёш атрофида ёхуд дураҳшон икни ахтарму.

Ики дилкаш қапогиму экан зебо қади узра,
Ва ё бир нахл узра икни бодоми мұқашшарму.

Ўрулғон икни кокулму дурур ҳар ён узорида,
Ва ёхуд ганжи ҳусни соясида икни аждарму.

Сўзиму Оғаҳийниг икни лаъли васфида, ёхуд
Ики лаъли аёни эткан каломи руҳпарварму.

Кўз эрмас, жону кўнглум қасдин этмакка балодур бу,
Қош эрмас, жавр бедод ўқларин отмоққа ё дур бу.

Ғамим шомин ёрутса нури рухсоринг тонг эрмаским,
Тулуъ эткан сабоҳат буржидин шамсўз зуҳодур бу.

Етушкач кўйинга тонг йўқ танимга тоза жои етса
Ки ҳажр андуҳи муҳлик дардиға дору-шифодур бу.

Ҳазии кўнглумни ўлтурмак била қўрқутма, эй қотил,
Анго токим гами ҳажринг ородур муддаодур бу.

Чу дединг телба кўнглуиг кимгадур шайдоу ошуфта,
Эшиткил, эй пари пайкар, сангодур бу, сангодур бу.

Ғанимат англагил, эй сарви саркаш, ашқу оҳимким,
Қадинг нахлини сарсабз айлаган обу ҳаводур бу.

Муҳаққар билмагил хам қомату, гирёи кўзу оҳим,
Ижобатга қарин ўлғон шарофатлиғ дуодур бу.

Эр эрсанг берма кўнглини аруси даҳр ҳуснига
Ки гарчи дилрабодур, лекин асрү бевафодур бу.

Наво еткур унунгдин Огаҳийга бир тун, эй мутриб,
Ки ғам чангидаги кўб куилар дуурким бенаводур бу.

Мушкин қошиннинг ҳайати ул чашми жаллод устиниа,
Қатлим учун нас келтуурур нун элтибон сод устиниа.

Қылғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устиниа.

Нозу, адou, ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,
Вах, мунча оғатму бўлур бир одамизод устиниа.

Ман хастага жон асрамоқ эмди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устиниа.

Үл гул юзи шавқи била шайдо күнгүл шому сахар,
Булбулдек айлар юз наво минг наявъ фарёд устина.

Бошимга ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмоғой,
Гардун агар минг Бесуун ёғдурса Фарҳод устина.

Эй шах, карам айлар чоги тенг тут ёмону яхшини
Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулоймондек агар тахтинг қуруб бод устина.

Не журъат ила Огаҳий очқай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина.

Эй мутриби гулчеҳра, туз созингни овозинг била
Ким жону дил бўлсун фидо овозинга созинг била.

Созинг эшиитмакка бори базм аҳлидурлар мунтазир,
Кел соз вақтин бу кеча ўткармагил нозинг била.

Нозинг басе кўбдур, vale созинг багоят оз эрур
Қилгил мубаддал ул кўбинг бир лаҳза бу озинг била.

Гаҳи ироқу, гаҳ ҳижоз оҳангини соз айлабон,
Қил сарфароз ушишоқни лаҳни фалак торинг била.

Ўтлуғ наводин истасанг дард аҳлини куйдургали,
Туз рост қонуни аро рови чап андоzinг била.

Тиргузгусидур ҳар даминг юз минг ўлукниким, сани,
Тонг йўқ, масиҳо, гар десам бу наявъ аъжозинг била.

Ғамзанг қошида йўқ манга мумкин ёшурмоқ рози ишқ,
Албатта, расвойи жаҳон бўлгум бу ғаммозинг била.

Ургон багоят кўбтуур ишқингда лофи мардлик,
Лекин ҳариф эрмас бири бу зор жонбозинг била.

Даврон ғамидин, Огаҳий, маҳзун эрур шод эт они,
Дилкаш наволар соз этиб жонпарвар овозинг била.

Бўлуб хуррам табассум зоҳир айлар ҳар сахар гунча,
Магар топмиш ул ой кўйи насимидин асар гунча.

Нозакатлиғ лабин кулгу чоғи кўрмишдуур гўё
Ки ҳайратдин оғиз очмиш бўлуб осима сар гунча.

Магар тор оғзининг ишқи ғамига мубтало бўлмиш,
Буким дилтанг ўлуб ҳар дам ичар хуни жигар гунча.

Чаман хилваттаҳида бош чекар фикрат яқосига,
Ишон топмоқ лаби асроридин истар магар гунча.

Белин хизматга боғлаб бօғ сахнига берур оро,
Магар топмишдуур ул гул кудумидин хабар гунча.

Лаби хатдин музайян бўлса хушдурким, муносибдур
Зумуррадпўш қилса лаъли нобини агар гунча.

Нигорим пайкари ҳусни сафо гулзоридур, онда
Эрур рангин қабо, гул тугмаю, заррин камар гунча.

Фигонким, ушбу гулшан ичра осиби ҳаводисдин
На фориг бир нафас гулдур, на бир дам бехатар гунча.

Висоли субҳи етмай хуррам ўлмас Огаҳий кўнгли
Ки очилмайдуур то етмайин вақти сахар гунча.

Қил, эй соқий қарамким, қилди жисмим нотавон рўза,
Хумори жоми майдин айлади бағримни қон рўза.

Кўзим нурин, белимнинг қувватин қўймай олиб, ваҳким,
Ситам тигин чекибдур эмди айлаб қасди жон рўза.

Тузубдур қасдима ранжу машаққат лашкарин саф-саф,
Мадад май хайлидин етмай манга бермас амон рўза.

Қадимким ўқ, киби туз эрди чекмай бор андуҳи,
Хам этти гам юки остида андоқким камон рўза.

Мани май партавидин ёғду оламға чиқорғилким,
Хумор ичра қоронгу қилди бошимға жаҳон рўза.

Бўлуб ман телбага жоми сабуҳи ичкали мониъ,
Олубдур ақлу ҳушим қўймайин ному нишон рўза.

Табиат кунд эрур, хотир паришон, фикр ҳам вайрон,
Мани одам қаторидин чиқарди бегумон рўза.

Неча кундурки бир маҳваш майи лутфи хуморидин,
Кетурди бошим узра шўриши охир замон рўза.

Ҳамул ҳусн ахли шоҳи илтифоти камлигидиндур
Ки мундок Оғаҳийға кўб қилур жаврин аён рўза.

Дедим: комимни ширин айла лаълинг шиккари бирла,
Деди: очма оғиз бундай каломи сарсари бирла.

Дедим: бир тун мани базминга еткур, эй нари пайкар,
Деди: мушкилдуур одамға базм этмак пари бирла.

Дедим: очгил юзинг то жон топай лаълинг қилиб бўса,
Деди: мақтул ўлурсан кирпикимнинг ханжари бирла.

Дедим: бу хоксоринг бирла бир оқшом ҳамогуш ўл,
Деди: топмас маият хок меҳри ховари бирла.

Зоҳидо, фирдавсни куйига ташбиҳ айлама
Ким томуғдин фарқ қўбдур равзай ризонгача.

Кўйи гулзори биҳнштининг эрурлар толиби,
Ҳам парию, ҳам малак, ҳам ҳур ила филмоигача.

Бодаи лаъли лабининг иашъаси махмуридур,
Кавсару тасиим то сарчашмаи ҳайвонгача.

Зулфи домига саросар даҳр эли бўлмиш асир,
Сойили иокомдии то комрои султонгача.

Чун бўлур маскан санга охир ер ости не осиг,
Гар етурсанғ қасру айвон авжини кайвонгача.

Жоми ишрат даври хуштур, Оғаҳий, бу кун, вале
Ҳайфким, йўқ фурсате тонгла яна давронгача.

Қасди жон ул шўхи бебок эттило,
Тиг ила кўксумии юз чок эттило.

Лаҳза-лаҳза зулм ўтин тез айлабон,
Жисмим ул ўт узра хошок эттило.

Войким, бир жилва бирла ул пари
Қасди ақлу ҳушу ндрок эттило.

Ҳар кеча оҳим чекиб дуду шарор,
Бирни анжум, бирни афлок эттило.

Кўз ёшимдин неча дарё мавж уруб,
Чархни гарқоби кавлок эттило.

Хайли ғам зўр айлабон ожиз таним
Поймол ул навъким хок эттило.

Дедим: раҳм айлабон ҳолимни сўр, эй хўблар шоҳи,
Деди: шоҳ сўзлашурму бандаларнинг аҳқари бирла.

Дедим: заррин ўтогинг узра гавҳар хўб ярошибур,
Деди: қилмиш қирон хуршиди анвар муштари бирла.

Дедим: жоним куяр ҳар лаҳза ўт узра сипанд осо,
Деди: фикр айлама лаълимни холи анбари бирла.

Дедим: юз узра лаълинг жон бағишлиар оби ҳайвондек,
Деди: тенг тутмогил ҳар сўзни жаннат кавсари бирла.

Дедим: бўлмиш манга кам нақд лутфинг ўзгадин невчун,
Деди: сан бой эрурсан ганжи маъни гавҳарни бирла.

Дедим: қайси киши комига еткай базми васлингдин,
Деди: андоқ кишиким моли вофирдур зари бирла.

Дедим: невчун қочарсан Огаҳийдин кўргузуб нафрат,
Деди: қучмоқ тилар белимни жисми лоғари бирла.

* * *

Хаста жисмимни тиларман судрамак жононгача,
Бору йўқимни фидо оллида қилмоқ жонғача.

Кечаву кундуз хаёли хайли маскан айламиш,
Жону кўнглум манзилин то дидан ҳайронгача.

Офариниш ул париваш ҳуснининг шайдосидур,
Заррадин то меҳри рахшону маҳн тобонгача.

Лаъли рухсори шавқи тигидин бу боғ аро,
Сина чок ўлмишдўур гул ғунчай хандонгача.

Демагил гавҳар сўзниким, тафовут кўбтуур
Қадр аро ҳар муҳрадин якто дури ғалтонгача.

Огаҳий, тонг йўқ фиғонимким, фалак
Зулм ила жоним аламнок эттило.

Навбаҳор айёми ҳар ким қилса саҳро сайрини,
Айлаганча ҳаз топар фирмавси аъло сайрини.

Кўнглида қолмас қудрутдин асар қилса агар,
Марғзору бешаларнинг хотир оро сайрини.

Баҳр янглиг табъидин мавж урғуси файзу футух
Гаҳ-гаҳи заврак миниб гар қилса дарё сайрини.

Сунъи ҳақ асроридин воқиф бўлур гар айласа
Чашми ибрат бин очиб аснофи ашё сайрини.

Баҳра топқай ўзгача қилса гаҳи бу сайдаро
Авлиёлар марқадининг ибрат афзо сайрини.

Еткуурур кўб суд дунё сайри ул сайёрға,
Ким суруб рахши тафаккур қилса уқбо сайрини.

Файзлар бу борчадин ортиқ топар гар айласа,
Яъс аро қолгон дили маҳзуну шайдо сайрини.

Гулшани роҳат дурур факру қаноат гўшаси,
Қилмоғунча лек не билсун киши то сайрини.

Огаҳийнинг кўнгли ҳам бир хуш ҳаво саҳро эрур,
Ул нигори лутфхў қилғойму оё сайрини.

Келиб ногаҳ мени ул қоши ё ўлтурмай ўлтурди,
Отиб мужгон ўқин, айлаб жоғо ўлтурмай ўлтурди.

Дедим юз ёлбориб, қошимда бир дам ўлтурууб ўлтур,
Баҳона айлабон шарму ҳаё ўлтурмай ўлтурди.

Үмидим бу эдиким, ўлтурууб дилдорлиг қилгай,
Ва лекин күргузуб нозу адо ўлтурмай ўлтурди.

Ман ўлтурмоқ тилаб, илгин тутуб тушдим аёқига,
Ул истиғно қилиб зоҳир манга, ўлтурмай ўлтурди.

Бориб мажлислариға ўлтурууб тиргузди ушшоқин,
Мани лекин келиб кулбам аро ўлтурмай ўлтурди.

Етушкач бошима тортиб қилич, бир лаҳза ўлтур деб,
Туман-мииг ёлбориб қилдим дуо, ўлтурмай ўлтурди.

Фигоним, Огажийнинг кулбасига келгач ул золим,
Жафо шамширини тортиб анго, ўлтурмай ўлтурди.

* * *

Эй пари, манъ этмагил базми висолингдин мани,
Баҳраманд эткил тамошойи жамолингдин мани

Лутф ила жам эт паришон хотирим айлаб ҳисоб,
Зумраи, девонаи ошуфта ҳолингдин мани.

Комим этти талх ҳажринг заҳри, ширинком қил,
Согари лаълинг аро жанбахш болингдин мани.

Тиги ишқингдин ўлубман, тиргуза олмас Масих,
Гар ўзинг тиргузмасанг ширин мақолингдин мани.

Одам осо равзаи кўйингда бархурдор қил,
Лаззати наззораи наврас ниҳолингдин мани.

Хилвати васлинг аро ағёрни маҳрам қилиб,
Айлама маҳрум ҳусни бемисолингдин мани.

Нечаким ҳуру пари олимда бўлса жилвагар,
Ўткара олмас даме фикру хаёлингдин мани.

Гам тоши синдуурди айшим соғарин, эй пири дайр,
Май тутуб масти айлагил сингон сафолингдин мани.

Ишқ таркини буюргунг Огаҳийга, носиҳо,
Айлама озурда бу амри маҳолингдин мани.

* * *

Қачонким ул пари кўздин ниҳон ўлди, ниҳон ўлди,
Ишим Мажнун киби оҳу фигон ўлди, фигон ўлди.

Чиқ истиқболига, эй дил, нисори айла жон нақдин,
Ки дерлар бу тараф ул шаҳ равои ўлди, равои ўлди.

Кўнгулда оташи ишқинг ниҳон асрай дедим, эй шўх,
Нетай оҳим шароридин аёни ўлди, аёни ўлди.

Ўшул кунким ёрутдинг ҳусн айвони жамолингдин,
Дили вайроним ишқингга макон ўлди, макон ўлди.

Ҳазин жонимга дарду ғам ўқин ёғдургали ҳар дам
Юзинг узра ики қошинг камон ўлди, камон ўлди.

Илонманг эйки дерсан дилраболарда вафо бордур,
Яқиндуруким бу сўз манга гумон ўлди, гумон ўлди.

Туну кун чиқмасам майхонадин не айбим, онда
Кишиким кирди кулфатдин омон ўлди, омон ўлди.

Жаҳон савдосидин эйким тиласан суд топқайсан,
Бу савдо суди билгимким, зиён ўлди, зиён ўлди.

Агарчи яхшидур базм этмагинг аҳбоб ила ҳар тун,
Вале Огаҳийни қовдинг, ёмои ўлди, ёмон ўлди.

Мани ул бевафо қотил бу оқшом келмай ўлтурди,
Вафо қатлимга қылғон ваъдасиға қилмай ўлтурди.

Олиб кўиглумни кетти, сўиг келиб бир сўрмади ҳолим,
Тариқи дилраболиг шевасини билмай ўлтурди.

Ман онинг интизорин тортибои то субҳ ўлтурдим,
Мани ул муддаилар базмидин ойрилмай ўлтурди.

Қочиб уйқу кўзимдин, барча олам ёнди оҳимдин,
Тагофил бирла бу ҳолим кўзига илмай ўлтурди.

Тузуб ағёр ила сухбат, ичиб тонг откунча согар,
Мани сармастликдин бир нафас ойилмай ўлтурди.

Муродим эрди оининг тифи захмидин қатил ўлмок,
Фигонким, қатлима тифи дами тортилмай ўлтурди.

Ҳаётим боиси эрди сўзи, фарёдким, найлай,
Ики ширинлаби бир иуктага очилмай ўлтурди.

Топар эрдим висолидин даво ҳижрони дардига,
Бу дардимга бу оқшом ул даво топилмай ўлтурди.

Шаҳи одилға дод айла қўлидии, Огаҳий, қўйким,
Мани ул бевафо қотил бу оқшом келмай ўлтурди.

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳар дам улусга лутф ила боғуси, қаҳр ила, мани
Ман сори бир изора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишқ эли кўнғли дардига чора қилур, вале манииг
Дарди дилимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.



نَسْمَةُ الْأَرْضِ الْمُجَاهِدِ

لَهُ وَذَرْبَكَشْ فِي دِينِكَشْ نَسْمَةِ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
لَقَنْ قَنْ كَشْ بَغْدَادِيَّةِ شَدَّادِيَّةِ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
بَوْكَزْ كَوْ بَجْرَبَادِيَّةِ بَقْشِيَّةِ لَهُبَّ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
بَوْدَهْ كَنْ بَجْرَبَادِيَّةِ تَرْقَى سَانْدَرِيَّةِ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
بَوْدَهْ كَنْ بَجْرَبَادِيَّةِ سَادِلِيَّةِ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
بَسْتَهْ كَنْ بَجْرَبَادِيَّةِ بَزْنَهْ كَشْ بَسْتَهْ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
بَسْتَهْ كَنْ بَجْرَبَادِيَّةِ بَزْنَهْ كَشْ بَسْتَهْ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
بَكَسْ بَسْوَدْ بَوْلَقْ كَنْ بَكَشْ بَسْتَهْ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ
بَعْتَيْ كَرْدَقْ بَرْدَيْ كَارْلَسْ كَشْ بَسْتَهْ	لَهُ بَغْدَادِيَّةِ مِنْكَشْ بَغْدَادِيَّةِ





دشکارانه که سبیع اینجا	محمدی قلی هنوف کشا
پروری آئی کوئی شهدان نهاده	خود خداستی که چه کوند ذکرا

در دنیا کن غریب خبر بگو	فرسیدان غریب خبر بگو
نه حیرتی هم زنگی از ای	غشیمی هم زنگی از ای

ای یاری فون حرم است بیست	بنده مکاه نعم اهلی بیست
ای یاری فون حرم است بیست	لیده بیش از اتنی ای بیست

Хажр ила заъф ўйлаким, оҳи қазиним ўтиға
Шуъла била шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жон лабидин чу бермади жисмима, вахқи қошидин
Қатлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Кўйига борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи
Бўлгуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толии равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,
Ман киби бахти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўлди ситораси исиф ҳалқға мөхри ёри гарм,
Манда исиф ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим ўлубдур Огайҳий, ашқи канорасиз, деди,
Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

*

Дарди дилим анго дедим, дема ани манго деди,
Ким манга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго деди.

Юз уза икки нарғисинг, вах, не бало қаро дедим,
Кўнглунгу жонинг олғучи икки қаро бало деди.

Лабларинг оғзима етур, жон тонайин анго дедим,
ЛАъли табассум айлабон йўқму ўлум санго деди.

Қучмоқ эрур белинг ҳазин кўнглума муддао дедим,
Йўқму уётинг ушбу сўз дегали беибо деди.

Ҳуснунга айлабон назар, ман сари бир қаро дедим,
Ешурубон юзин, кет, эй масхара, беҳаё деди.

Бўсаи лаб савоб учун айла манга ато дедим,
Қошу қаногини четиб, қўй бу сўзинг хато деди.

Вах, недин эркан этмагунг ҳеч вафо манга дедим,
Зохир ўлубдуур қачои хуси элидин вафо деди.

Хаста күнгулга қылғасен муича недин жафо дедим,
Дема жафо они санинг дардигадур даво деди.

Огаҳий комини недин айламагунг раво дедим,
Ком топарму жонин ул қымбатчча фидо деди.

МУСТАЗОДЛАР

Ҳажринг тунида қолмишам, оч, эй моҳи тобон,
хуршид киби юз.
Кўнглум уйини сели гамиинг айлади вайрои,
васлингдин они туз.
Ялдо шабидек шоми фироқинг узоқ ўлди,
субҳидин асар йўқ.
Кулбамга келиб айлаки хуршиди дурахшон
қилғил они кундуз.
Қаҳринг била ҳар лаҳза манга новак отарсан,
қил эмди тамошо,
Ул навъки сончилди манинг жисмима пайкон,
ҳар мўйим уза юз.
Ҳар дам манга бедоди фироқинг етушуб, оҳ
тиномай чекадурмаи,
Оҳим, шарариду р кўринур чарх уза ҳар ён,
дема они юлдуз,
Ширин даҳанинг шавқида, эй шўхи дилоро,
раҳм этки, иеча йил
Фарҳод киби қоздирадур кўнглума даврон
гам тогини ёлғуз.
Не етканидин йўқ хабаринг ушбу гадоға
кўйингда совуқдин
Утдек қизадурсан кийибон, эй шаҳи хўбон,
санжоб ила кундуз.
Фарёдки, ўлтурди гамиинг Огаҳий янглиғ
ман зор ҳазинни.
Бир қатра қилиб лаъли лабинг иўшидин эҳсон,
келгил мани тиргуз.

Эй ёр, санга ушбу жаҳон боғи аро гул
Бир ошиқи ҳайрон,
дийдоринга шайдо,
Бир шейфтадур кокули мушкинига сунбул,
ҳам ҳоли паришон,
ҳам бошида савдо,
Ҳам сарв қадинг жилвасини кўргали қумри
ҳар дам чекибон оҳ,
билкул борур ўздин,
Ҳам гул юзига маҳви жамол ўлғали булбул
тун-кун чекар афғон
тиммай дами асло.
То тушти фироқингға манинг ғамзада кўнглум
ҳар лаҳза ёнодур,
юз дард ўти ичра,
Эмди анго торторга дами сабру таҳаммул
йўқ меҳнати ҳижрон,
раҳм айла ниғоро.
Фарёдки ислом элини қатл қилурға
мастона суруб от,
андоқ қилич урдинг
Ким, етти дами тифинг ила қатлға билкул
мажмуи мусулмон,
эй кофири тарсо
Чашми қараминг бир нигаҳи қилғуси обод,
оламни саросар,
недур бу ситамким,
Чекмакни дариғ айламагунг тиги тағофул
бўлса неча вайрон
маъмуран дунё.
Хуснингни тамошо қилибои баҳра олурлар
кўзим била кўнглум
бир-биридан афзун,

Зинҗорки эмди ёзибон юз уза кокул
айлаб они пинҗон,
манъ этма тамошо.

Менким, эшикинг бандалари ожизидурман
шукр этмак ишимдур
гар очу ва гар түк,
Лутфингга қилурман борн ҳол ичра таваккул
ё раззоку манион,
сансан анго доно.

Ҳай-ҳай не тароватлиг эрур боги жамолинг,
ким тергусидур гул
ондин ҳамма олам,
Мундин дуурур анвои гулу лола била мүл
ҳам жайби гулистон,
ҳам домани сахро.

Ҳажринг гами захрини ичиб Огахии зор
ўлмакка етибдур
комига етушмай

Қилма нафаси ҳолини сўрамоқда тааллул
эй Исойи даврон,
қилғил ани ихё.

МУРАББАЛЬАР

Жамолинг шавқида ёқти фалакни ўтлуг афғоним,
Бори ер юзини тўфонға берди чашми гирёним,
Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Ўтубдур илтифотинг орзуси бирла ою йил,
Кўзим гирён, таним ларzon, кўнгул нолону, алкои тил,
Боқиб айни карамдин ушбу ҳолимга тараҳҳум қил,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Тушуб маъқул кўнглунгга рақибиңиг ҳарза гуфтори,
Ҳамнша қасди нозик хотирингниң кўнглум озори,
Замони тарки озор эт, манго раҳм айлабои бори,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Карам рахши иноин ман сори бир дам эзвурмассан,
Хизрдек бошим узра макдамиңг ҳаргиз етурмассан,
Уларга етмишам дардинг чекиб, ҳолимни сўрмассан,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Қилиб кўп ваъдалар, бирнга қилмассан вафо ҳаргиз,
Вафо мандин кўтарсан, тарқ қилмассан жафо ҳаргиз,
Даме таъсир қилмас нолау зорим санго ҳаргиз,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Висолингда қилур агёр тун-кун аиш ила ишрат,
Фироқингда насибимдур манинг андуҳ ила кулфат,
Дегил, бу иштавоининга недин кўргузмагунг шафқат,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Етар мунглуг бошимга ҳар нафас юз минг бало сандин,
Ва лекин зоҳир ўлмас лаҳзан меҳру вафо сандин,
Қачонга тегру чеккайман жафо узра жафо сандин,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Кечакундуз фироқинг тирига зидони манга маскан,
Ситам ўқи етиб сандин тану жонимда минг равзан,
Қўлингдин кимга дод айлайки, олам ичра сандурсан
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Вафо сандин тилаб, кўйинг аро бисёр йигларман.
Фигоним тифидин бағрим қилиб афкор йигларман.
Қўюб юз остоанг туфроғига зор йигларман,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Бу кун жони ҳазиним бодаи лутфинг билан шод эт,
Шикаста хотирим вайронини маъмуру обод эт,
Бу қарни қулни яъни дарду ғам бандидин озод эт,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Ўтуб умрим дуогўйи жаноби чарх сойингман,
Иўлунгда юз ниёзу ажза бирла хокипойингман,
Тараҳҳум айлагил ҳолимғаким, мискин гадойингман,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Кўруб лутфу ато сандин жаҳон ичра бори одам,
Топиб кому муродини эрурлар хушдилу хуррам,
Вале мендек эмасдур ҳеч кимга илтифотинг кам,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Тилаб лутфингни маскан гўшан кўйингни то қилдим,
Итобинг ўтига юз минг уқубат бирла ёқилдим,
Била олмон санга ман, шум толеимдан, ие хато қилдим,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Нече муддат дурурким солмадинг кўнглунгга ёдимни,
Эшит эмди муруват кўргузуб афғону додимни,
Мани иоком қўйма мундин ортиқ, бер муродимни,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Муруват айлаким, афтодаи хоки раҳингдурман,
Ғуломи остону жабҳасойи даргаҳингдурман,
Қарилиғ дардидин најмурда бўлғон Оғаҳингдурман,
Нигорим, меҳрибоним, мукримат тахтида султоним.

Ул паривашким, дилу жонимда ишқи доғидур,
Қадди шамшоду юзи гул, лаъли гул яфроғидур,
Базмгоҳим васлидин бу кеча жаннат боғидур,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Ишқида содиклиқимни гўиёқим билди ёр,
Ким мани ушшоқ аро лутфи кўзига илди ёр,
Гул юзин очиб келиб базмимни гулшан қилди ёр,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Юз адo бирла келиб кулбамни маъво айлади,
Бурқаъин олиб жамолин мажлис оро айлади,
Васлидин асбоби айшимни муҳайё айлади,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Хур янглиғ қомати зебоу ҳусни бебадил,
Бир лаби кавсар малоҳатда, биридур салсабил,
Мажлисим файзи жамолидни биҳишт осо жамил,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Айланиб комим била бу кеча даври осмон,
Манзилим шамъи шабистонимга бўлмишдур макон,
Хилватим маҳзуфу, йўқ ағёрдин ному нишон,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Вакт эрур субху, ҳаво жонпарвару, фасли баҳор,
Масканим гулшан фазосиу мақомим лолазор,
Ҳамдаму ҳамсухбатим бир сарв қадду гулузор,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чөғидур.

Қызды базмим ул сифатким мажлиси Ковусу Кай,
Соз ўлуб кирди нағоға гижжагу, танбуру най.
Тарк этиб тақвои эмди ичкали риндана май,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чөғидур.

Огахийға умрида бу навъ бир тун берди даст
Ким, анга бир мұғбача хилватда бўлди ҳамишишт,
Эмди бўлса хуштуур тонг отқунча масрур маст,
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чөғидур.

МУХАММАСЛАР

ОГАХИЙ МУҲАММАСИ

Қаддим хамини сарви ситамкорима айтинг,
Сабрим камини ғамзаси бисёрима айтинг,
Кўзим иамини кўзлари таррорима айтинг,
Кўнглум гамини, дўстларим, ёrima айтинг,
Жоним аламии лаъли шаккарборима айтинг.

Уммидки, рагбат сўзингиз жониби қилгай,
Бошимга не келганини гам ҳажрида билгай,
Лутфи йўли бўлгойки, менинг сори очилгай,
Шоядки, тараҳҳум қилибон кулбама келгай,
Холимии паризоди вафодорима айтинг.

Афгор таним ичра сўнгакиинг бири қолмай,
Фурқат тошининг захмини зарбидин ушолмай,
Мунча била ҳам ўзни талаб йўлида солмай,
Истаб нигаҳи гўшаш чашмин топо олмай,
Беморлигим кўзлари bemorima айтииг.

Дардим бўладур ҳар нафас аввалгидин ортуқ
Ким, бошга тегар холлари ёдида юмрук,
Жонга отилиб ҳам кўзининг фикрида мултук,
Мужгони хаёли била ҳар лаҳзада мииг ўқ,
Сочилғонини бу тани афгорима айтинг.

Жавру ситами хайли бўлиб соғу сўлимга,
Тигу табари сели бўлиб банд йўлимга,
Васли этаги етмади бир лаҳза қўлнимга,

Озорига күнглум чидамай эмди ўлумга,
Рози эрур ул шўхи дилозорима айтиинг.

Жои токи ониң ҳажрида ғам ўтиға ёнсун,
Тан токи алам шиддатидин ерга суёнсун,
Эмди күнгул ўлмакка қўюбдурман, у ёнсун,
Келсун доги қатл айласуну қонима қонсун,
Қотилвашу ошиқкушу хунхорима айтиинг.

Бу хастасининг жайбию жон дуррини терсун,
Яъни келибон жондек ониң терига кирсун,
Иўқса терисин сўйсину ҳам хомига кирсун,
Огайҳийни ўлтурсун, ё комини берсун,
Зинҳор бориб ёри жафокорима айтиинг.

Етиб жонига гардун зулмидин юз минг алам ёлгуз,
Аlam чекмакда етдим жонга ман зору дажам ёлгуз,
Эшит додимни эмди, эй шаҳи соҳиб карам ёлгуз,
Қўюбман то тааллуқ маҳбаси ичра қадам ёлгуз,
Етар ҳар дам ҳаводис шаҳнасидин минг ситам ёлгуз.

Чекиб ҳар лаҳза бекаслик ғамини жони афорим,
Ўлуклардек ётиб байтул-ҳазанд жисми беморим,
Эшитмас бир киши ҳар шом чеккан нолаи зорим,
На бор бир ёри ғамхорим, на дилдори вафодорим,
Етушса даҳрдин чеккум агар юз бор гам ёлгуз.

Кўҳан майхонаси бу даҳрнинг, ё раб, ҳароб ўлсун,
Ки бедодидин ониң йиғларам ҳар шом тортиб ун,
Кўзим кўп йиғламоқдин тийра бўлса не ажаб бу кун,
Ғами бекаслик андоқ еттиким ифрат ила ҳар тун,
Тўкордин ашқ кўзда қолмади бир қатра нам ёлгуз.

Бино то топти тангри сунъидин вайронаи олам,
Жаҳонга келмади ёлғуз манингдек ҳеч бир одам,
Мани ўлтурса эмди тонг эмас бу ғусса бирла ғам,
Замони эшитиб ҳолимни йўқ мунглошғудек одам,
Ура олмон ичим дард ўтидин гар ёнса дам ёлғуз.

Кишилизлик мани қилмишдуур андоқки хоки роҳ,
Қўлумдур бу жиҳатдин борча ишдин даҳр аро кўтоҳ,
Нечук ҳасрат била ўлтурмай ўзни эмди тортиб оҳ,
Кишим йўқ олғали хуну дият қатл этсалар ногоҳ,
Киши мен янглиғ ўлғон топилур оламда кам ёлғуз.

Қилиб сарф эйки ишрат қилғоли ганжинг зару молин,
Қилурсан нўш хешу акробо бирла тараб болин,
Замони кўрмамишсан рўзгор андуҳу ашколин,
На сўргун ушбу меҳнатхонада ёлғуз киши ҳолин
Ки, бўлғой заҳр коми ичра ичса жоми Жам ёлғуз.

Киши гар дониш ичра тўрт дафтарға эзур хоно,
Агар ёлғуз эса нодонча қадри бўлмоғой жоно,
Эшит, айтай санго ҳолин онинг такрор ила ёно,
Бори илму ҳунар ичра эса ҳар нечаким доно,
Замон аҳли аро бўлмас замони муҳтарам ёлғуз.

Бировким ёлғуз эрса айламас имдод анго толиъ,
Қою ишдинки суд истар, бўлур ондин зарап воқиъ,
Агар юз ганж ҳам сарф айласа бўлмай анго нофиъ,
Жаҳон бозори ичра нақди андоқ бўлғуси зойиъ,
Ки, тутмас бир пул ўрнин сарф қиласа минг дирам ёлғуз.

Макон этса фалак ҳар кимга бекаслик сияҳ ҳолин,
Ўтургай ҳасрату нокомлиғ бирла маҳу солин,
Эшиткил ҳам яна шарҳ айлай онинг танг аҳволин,
Эл ичра обрў топмоқ тилаб сарф этса амволин,
Бўлур беобрўлиғ бирла элга муттаҳам ёлғуз.

Адамдин то келиб қилдим бу мотам хоиани маскан,
Қолиб гам остида бўлди ишим ўз ҳолима шеван,
Кўнгул маҳзуну, жон ғамгину, тан бемору, тил алкан,
Агар бу эрса ёлғузлик гамиким ман чекибдурман,
Илоҳи, бўлмасун олам аро куфр аҳли ҳам ёлғуз.

Алойиқ лавсидии айлаб замири нокинг олуда,
Маош асбоби фикрида чекиб юз ранжи бехуда,
Ўтурдинг борча авқотинг ғаму, андуҳу, қайғуда,
Тааллук таркин айлаб эмди тутғил ўзни осуда,
Қачонга тегру чеккунг, Огаҳий, мунча алам ёлғуз.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР

Навбаҳор айёми то боғ ичра ҳандон бўлди гул,
Рангу бўдин зийнат афзойи гулистон бўлди гул,
Гарчи лутфу ҳусн ила яктои даврон бўлди гул,
Оразингии боғ аро чун кўрди ҳайрон бўлди гул.
Баргиз қолди нединким, бас паришон бўлди гул.

Чарх авжидии тушиб ер узра, эй хуршиду моҳ,
Айлабон қуллук, топнинг андозасиз иқболу жоҳ
Ким, бу кун айни карам бирла кийиб заррин кулоҳ,
Гул узорим кишвари ҳусн ичра бўлди подшоҳ,
Рост андоқким чаман мулкида султон бўлди гул.

Юз адоу ноз ила ул ҳўбларнинг пурфани,
Жилва қилди базм аро айлаб либосин савсани,
Тонг йўқ эмди шавқ агар беихтиёр айлаб мани,
Лаълин истарман қошимга келса ул гул хирмани,
Май тилар кўнглум чу базмида фаровон бўлди гул.

Минг алам ҳижронда тортиб, ҳар нафас, эй андалиб,
Гул висолига чу бўлдинг дастрас, эй андалиб,
Айламай хомушлиғ эмди қилма ҳавас, эй андалиб,
Кеча-кундуз қилма гулбонингни бас, эй андалиб
Ким, санго беш кун бу гулшан ичра меҳмон бўлди гул.

Огахий, силкиб этак оламсаро бүстонига,
Берма күиглүнг гулжабинлар аҳд ила пайменига,
Күрки, раҳм этмай дами фарёд ила афгонига,
Гул чоги ёри сафар айлаб Навоий жоенига,
Ҳар бири бир тоза қонлиғ доғи ҳижрои бўлди гул.

Тинмайин эмди туну кун, эй ҳазин жон, йиглағил
Ким, ул ой бўлмиш вафодин рўйгардон, йиглағил,
Ўзгалар базмиға майл этмиш намоён, йиглағил,
Эй кўнгул, ҳижрои куниидур тортиб афгон, йиглағил,
Эй кўз, айрулғуигдур ул гулчехрадин, қон йиглағил.

Боргали токим рақибу, ҳоснду, пурфан сори,
Келмади айлаб талаттуф гоҳ-гоҳи ман сори,
Манда ҳад йўқ борголи ул гул бўлур маскаи сори,
Кўз туторман, эй булатким, ўтсанг ул гулшан сори,
Чун соғинсанг бизни, ун тортиб, фаровон йиглағил.

То нишиман қилғоли ағёр ҳар кун базмида,
Чиқғусидур айтилиб афсоналар ун базмида,
Даст топсанг васлиниинг иқболига чун базмида,
Ростлик ҳаққи учун, эй шамъ, ҳар тун базмида,
Чиқса сўз мандин куюб беҳадду поёни йиглағил.

Гар эрурсан мақсади аслига толиб, эй кўнгул,
Қатъ қилмоқдур фано даштини вожиб, эй кўнгул,
Санда ажз афзуину истеъдод гойиб, эй кўнгул,
Йўл қотиғ, мақсуд мубҳам, яъс ғолиб, эй куигул,
Ун чекиб бу ҳолнига то бордур имкон, йиглағил.

Белу оғзи олғон ўлса сандин орому шикиб,
Кўргузуб кўшиш олор васлига етмакдур ажиб,
Огаҳнийдек то адам сарҳаддиға бўлмай қариб,
Эй Навоий, белу оғзидан санго йўқтур иасиб,
Хоҳ пайдо нола қилғил, хоҳ пинҳон йиглағил.

Биҳамдиллаҳки, агёр улфатидин ижтиюб, айлаб,
Манго меҳру вафоу, раҳму шавқат беҳисоб айлаб,
Бузулғон масканимни гулшан этмак иртиқоб айлаб,
Тун оқшом келди кулбом сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми сурътидин гул уза хўдии гулоб айлаб.

Мулукона қўюб эгри боши узра кулоҳи зар,
Далирониа этак санчиб, олиб қўлға оғир шашпар,
Каманд айлаб сочи торин кўнгул қайди учун яксар,
Чекиб мужгони шабравлар киби жон қасдига ханжар,
Белига зулфи анбар торидин мушкин таноб айлаб.

Нечак турлук далолу ғунж ила кулбам аро кирди,
Табассум дуржиға лутфу адо гавҳарларин терди,
Равон осо хиромида адаб осори фош эрди,
Келиб ўлтурдию илгим тутиб ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Нечук дурларки бўлмиш ҳуккаи ёқут анго маскан,
Оларнинг бириға бўлмай баҳо юз ганжу, минг маҳзан,
Бу янглиг дур сочиб ҳолимни сўрди бўйла ул ғурфан.
Ки, эй зору балокаш ошиқим, мансиз нечукдурсан,
Мен ўлдим лол айта олмайин майли жавоб айлаб.

Бу ҳолимни кўруб, шавқим на чоғлик эрканин билди,
Еридин сачрабон турдию қошимға ёвуқ келди,
Иковлон маст ўлоли деб кулуб бўйнимга осилди,
Чикорди шишаи май доги бир согар тўло қилди,
Ичиб тутди манго юз навъ лутф осо итоб айлаб.

Деди: «Эй хоксорим, эмди ашкинг тўқмагил кўздин,
Қилиб нўш ушбу согарни орит ғам гардини юздин».
Ман илгидин олиб согар топиб комимни бу сўздин
Ичиб, фарёд этиб, тушдум аёқига, бориб ўздин,
Мани йўқ бодаким, лутфи онинг маству ҳароб айлаб.

На хуштур, Огаҳий, ишрат тунида ёр ила бўлмоқ,
Қўлидин нўш этиб ҳар дам тараб жомини афзунрок,
Бўлуб сармаст аёқига йиқилмоқ ўйлаким туфрок,
Ониким элткай васл уйқуси ишрат туни муйдоқ,
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

* * *

Шаҳи заррин кулаҳ чун субҳидам тиги дудам чекти,
Сипоҳи нур олмоққа жаҳонни як қалам чекти,
Адам мулкига зулмат лашкари тинмай қадам чекти,
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти,
Шиоъи хат била кўҳсор уза заррин алам чекти.

Очиб шоҳи кавокиб чун саҳарнинг роҳи мадрусин,
Тамошо қилгали азм айлади кўк тоқи минусин,
Хасу хошоки зулматдин қилурга пок ўтрусин,
Қазо фарроши чекти субҳанинг симин супургусин,
Музахҳаб парларин аидоққи товуси ҳарам чекти.

Қазо килки музайян қилғоли кўк тоқи таъмирин,
Езор гоҳи анго валлайл, гоҳ вашшамс таъбири,
Бу дам кун тиги бирла ҳақ этуб валлайл таҳририн,
Китоба сунъ килки сураи вашшамс тафсири,
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин ракам чекти.

Жаҳондин тонг ели чун ҳар тараф тун дудини сурди,
Қуёш аворини оғоқ аро ҳар сори еткурди,
Тилаб ўз матлабин ҳар ким фигонин кўқдин ошурди,
Муazzин каъба тоқи узра гулбонги самад урди,
Бараҳман дайр айвонида оҳангি санам чекти.

Гаҳи маъшуқлар ушшоқи аҳволин савол этти,
Гаҳи ушшоқ маъшуқи қошида арзи ҳол этти,
Гаҳи аҳли сухан тақиқ ила арзи мақол этти,

Маони аҳли гоҳи нуқта узра қилу қол этти,
Муганий хайли гоҳо нағма узра зебу бам чекти.

Ютуб қонлар шаби ҳижрон ғамидин ошиқи содик,
Ҳаётидин билиб ҳар дам мамоти афзалу фоик,
Анго бу саъб меҳнатлар чекарни кўрмойин лойик,
Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамғаким ошиқ,
Бу муҳлик шоми ҳижрон ичра юз хуноби ғам чекти.

Чекиб мулк очмоқ истар эрса шоҳи муҳташам тигин,
Керак тез этмаса факр аҳли оҳининг дудам тигин,
Яқиндурким фалак чекгуси ҳар кимга алам тигин,
Замона кулди ул ғофилғаким даврон ситам тигин,
Анго урмоқин англаб ўзгага тиги ситам чекти.

Тараб шамъин ёрут, жоно, зиёсиз умрни англаб,
Кўнгулни хуррам эт нашъу намосиз умрни англаб,
Юриткил соф саҳбони сафосиз умрни англаб,
Хушо улким мунингдек чоғ вафосиз умрии англаб,
Сабуҳи жомни аҳбоб бирла дам-бадам чекти.

Қою ошиққи онинг дилбари симин сақоқ ўлса,
Юзи гул, сочи сунбул, сарв қад, ширин дудоқ ўлса,
Ажаб эрмастурур сабру шикеб ондин йироқ ўлса,
Агар кўнглида бир гул ҳажридин хорн фироқ ўлса,
Баҳона йиғламоққа бир неча жоми алам чекти.

Неча йиллар чекиб ҳижрон аро юз минг ғаму меҳнат,
Кўзида ёш, тилида нола, кўнглида туман кулфат,
Бу ҳолат ичра ногаҳ юз қўюб онинг сори давлат,
Агар худ васл иқболи мұяссар бўлса бир соат,
Фаридун тахти узра базм тузди, жоми жам чекти.

Хушо улким нигори илгидин бир жом бергач даст,
Қадни таъзим учун ҳар дам қилиб ҳам ул сифатким
шаст,

Солиб кўзни адаб бирла танин туфроққа айлаб паст,
Бўлуб матлуб рухсорига маҳву жомидин сармаст,
Юзин туфрокқа қўйди, бошини элдиға хам чекти.

Тутарда жом анго соқий олиб бурқаъни юздинким,
Томизса турк ойини била тутгай туқуздинким,
Оқизса тўлдурууб соғар яна сўнғай ўтуздинким,
На давлатдурки бу ҳолатда борди андоқ ўздинким,
Бақо иқлимидин раҳтини то мулки адам чекти.

Хушо базмики май ваҳдат анго соқий ҳабиб ўлғой,
Нишоти бас ажибу наъшаси беҳад гариб ўлғой,
На мумкин, Огаҳий, бу базмга ҳар ким қариб ўлғой,
Навоий, шояд ул раҳравға бу давлат насиб ўлғой —
Ким, ул дашти фано қатъ этколи йиллар қадам чекти.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАСЛАР

Қобили дийдор агар аҳли жамол айлар мани,
Юзларининг кўзгуси тўти мисол айлар мани,
Гарчи ҳўблар сурати соҳиб мақол айлар мани,
Ҳайрат, эй бут суратинг кўрдукча, лол, айлар мани,
Сурати ҳолим кўран сурат хаёл айлар мани.

Даҳр аро меҳри рухинг солғуси партав кунчаким,
Ҳажридин ёғду куним бўлмиш қароғу тунчаким,
Партави ондин тиларман кеча тонг отқунчаким,
Меҳр солмазсан мангага, лутф айламазсан мунчаким,
Соятак савдойи зулфинг поймол айлар мани.

Хусн ила сансан жаҳонда меҳри анвар нечаким,
Фурқатинг шомида майман зору музтар нечаким,
Гарчи эҳсонинг мангага беҳадду бемар нечаким,
Заъф толиъ монии тавфиқ ўлур ҳар нечаким,
Илтифотинг орзуманди висол айлар мани.

Үйла олий манзилатсанким, санинг мислинг адам,
Күйинга ман хоксоринг еткурай найлаб қадам,
Чун сарири ҳусн уза сан нодшоҳи муҳташам,
Бан гадо, сан шоҳа ёр ўлмоқ йўқ, аммо найларам
Орзу саргаштаи фикри муҳдол айлар мани.

Чок эрур ман ҳастага нозинг хадангидин жигар,
Сунбулунг савдосида девона кўнглум навҳагар,
Эмди раҳм айлаб манго, эй сарв қадди сиймбар,
Тири ғамзанг отмоким, бағрим дилар, қоним дўкар,
Икди зулфинг очмаким, ошуфта ҳол айлар мани.

Ҳар нафас кўнглум борур бир моҳнайкар ишқина,
Ҳар замон жоним тушар бир лаълн шаккар ишқина,
Кўргач ўлгум мубтало бир шўхи дилбар ишқина,
Даҳр вақф этмиш бани наврас гўзаллар ишқина,
Ҳар етан маҳваш асири хатту ҳол айлар мани.

Кимга раҳбарлик қилур ёрн шафиқи ишқим,
Бўлгуси манзил анго байтул-атиқи ишқим,
Огаҳийдек чун манго бордур рафиқи ишқим,
Эй Фузулий, қилмазам тарки тариқи ишқим,
Бу фазилат дохили аҳли камол айлар мани.

* * *

То ҳўблюғ сарири уза маскан айладинг,
Қилмоқ мани гадога ситамлар фан айладинг,!
Аҳбоб мажлисин кечалар маъмаи айладинг,
Эй маҳ, байимла дўстларим душман айладинг,
Душман ҳам айламаз бу ишиким, сан айладинг.

Елборди кўп тазарруъ ила бу ҳазин санго,
Бир дам жафо кам ўлмоди, эй маҳжабин, санго,
Балким зиёдроқ бўлубон қаҳру кин санго,
Пайконларингла дўлди таним, офарин санго,
Бедод чекмакка танимни оҳан айладинг.

Қўбдин бери чекиб туни кун нолаи ҳазин,
Субҳи висола бир дам ўло олмойин қарин,
Фурқат қаро тунида эдим ожизу ғамин,
Бўлсун зиёда рифъатинг, эй оҳи оташин,
Меҳнат саромизи бу кеча равшан айладинг.

Ул сарв қад мудом этибон майли аҳли дун,
Бу гусса остида бўлубон қоматим нигун,
Зинданн ҳасрат ичра эдим ожизу забун,
Аксилмасун тароватинг, эй ашки лолагун,
Гулгул домуб мақомимизи гулшан айладинг.

Жавру жафо манго фалаки пур итобдин,
Афзун этар ҳамиша қиёсу ҳисобдин,
Заъфим агар қави бўлубон бу азобдин,
Жон чиқса манзил этмага эв дут ҳубобдин,
Эй кўз, ёшики қасди бинойи тан айладинг.

Ҳаргиз жафоу жавр русумини йўймадинг,
Зулм айламакдин, эй бути хунхор, тўймадинг,
Кўксимдин ўзга ерга отиб новак ўймадинг,
Таҳсин сангоки, кўнглум уйин тийра қўймадинг,
Ҳар захми новакинг анга бир равзан айладинг.

Чун йўқтуурур бу олам аро истидоматинг,
Бас онда, Огаҳий, недур истиқоматинг,
АЗми тариқ айла кўполмай иадоматинг,
Мумкин дагил жаҳонда, Фузулий, иқоматинг,
Беҳуда сан бу марҳалада маскан айладинг.

МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

То тангри яратмишдур ул орази зебони,
Лаъли лаб онга бермиш бу ҳусни дилорони,
Кўргач не ажаб бўлсан ошуфтау ҳайрони,

Жонбахш лабинг узра чиқмиш хати райхони
Ким, кўрди Хизр бирла бир ерда Масиҳони.

Таъдид оига еткурди чарх ўйла тонғ отғунча
Ким, урди сабо кожин оғзини қонатгунча,
Етмак сабабин сўрсанг бу зиллат оига мунча,
Даъвига очиб эрди лаб оғзинг ила гунча,
Бу тарки адабдиндур, оғзидин оқар қони.

Ҳар кимки жаҳон ичра фарзоналиғ истайдур,
Кўргач сани ақл ондин бегоналиғ истайдур,
Ҳар ошиқи шайдоким мардоналиғ истайдур,
Шамъни рухига, жоно, парвоналиғ истайдур,
Беҳуда эмас ойнинг ҳар кечада даврони.

Эй арсан ҳусн ичра хўблар аро чобукрак,
Ғамзанг қиличига иш ҳар лаҳза бөғир тилмак,
Чашми сияқинг коми жон олмоқ эзур бешак,
Пайваста қошинг ёйи мужгондин отар новак,
Кўнглум ҳадафи оининг, жоним доги қурбони.

Ҳижрон аро ком эрди бу шийфта ҳолингга
Ким, солса назар гаҳ-гаҳ фархуида жамолингга.
Гарчи ета олмасман бир лаҳза висолингга,
Бўлмиш дили тангимда ором хаёлингга,
Зиндан аро тутгоидек манзил маҳи Канъони.

Бу даҳри дуни ичра гар шоҳу вагар сойил,
Мажмуъи улус жони руҳсорингодур мойил,
Эй ноз фунунида маҳвашлар аро комил,
Жонларга жамолингдин оғаҳлиғ ўлур ҳосил,
Ҳуси ичра санго бўлмиш ойнаи руҳони.

Ҳар лаҳза агар отсанг ўқ бесабаб эрмаским,
Оғаҳийга ондин жуз айшу тараб эрмаским,
Тан иеча фигор ўлса жонига тааб эрмаским,

Пайваста яролардин шукрим ажаб әрмаским,
Гулраң қабо топмиш Мунис тани урёни.

РОЖИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бўлуб субҳим фироқинг ичра шом оҳиста-оҳиста,
Фигону нола айларман мудом оҳиста-оҳиста,
Мани айларга гоҳи шодком оҳиста-оҳиста,
Кел, эй сарви равон, айлаб хиром оҳиста-оҳиста,
Кирнб жон гулшанида қил мақом оҳиста-оҳиста.

Манга дарду бало зиндонидур субҳу масо маскан,
Кўзим хира, дилим тийра, таним хаста, тилим алкан,
Бу ҳолимға тараҳҳум зоҳир айлаб, эй маҳи пурфан,
Фироқингда қороргон кўзларимни айлагил равшан,
Очиб гаҳ-гаҳ рухи хуршидном оҳиста-оҳиста.

Демишсан дардга тоқат қила олмассан ишқ ичра,
Миҳан тифи била кўксунг тила олиассан ишқ ичра,
Оёқ гам даштиға босиб кела олмассан ишқ ичра,
Дема бош ўйнамоқ расмин била олмассан ишқ ичра,
Билур сарбозлар расми низом оҳиста-оҳиста.

Бўлубман тоғами ишқинг аро бечорау вола,
Қадим бўлмишдуур мөхнат ювидин ўйлаким ҳола,
Бу ҳайъат бирла базмингга етибман тояу тола,
Муганий, туз бийик созингни чеккил бийик нола,
Эмас дилҳоҳ соз этмак давом оҳиста-оҳиста.

Агар ҳушииг эса бир дам эшит пандимни, эй одам,
Ема ҳайвон мисиллик ҳарна келса олинга ҳар дам,
Бўлубдур нафс саркаш руҳига муставлию аҳкам,
Десангким нафс ром ўлсун риёзат айлагил кам-кам,
Солурлар бадлигом отга лижом оҳиста-оҳиста.

Қаноат гулшани иззатға әлни айлабон восил,
Тамаъ зиндони зиллатга қилур берайбу шак дохил,
Тутубон жаҳлу ғафлат таркини оламда, эй оқил,
Чу донишда чиқардинг от қаноат файзин эт ҳосил,
Тамаъдин элга бордур наңгу ном охиста-охиста.

Келибдур то адамдин Огаҳий бу олами дүнга,
Бўлубдур мубтало дарду ғами беҳадди афзунга,
Тараҳҳум айлабон илгинг сўнуб саҳбойи гулгунга,
Кетур соқий паёпай жоми май Рожийи маҳзунга,
Ғами дафъин қилур шурби мудом охиста-охиста.

МУСАДДАСЛАР

Дўстлар, моҳвашим ҳусну сафосини кўрунг,
Қўёш осо юзининг нуру зиёсини кўрунг,
Хизрдек сабз хати иашъу иамосини кўрунг,
Сарв янглиғ қадию, иозу адосини кўрунг,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Үтини оҳим агар кўқдин ошурса, иетойин,
Сувини ашким агар кўкка етурса, иетойин,
Сабру орому адам сори юз урса, иетойин,
Элни иолам уни афгонга кетурса, иетойин,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Қадди зебоси келиб боғи латофат шажари,
Лаби ширини эрур нахли назокат самари,
Сўзибур лаззат оро тенги малоҳат шакари,
Не малак ўхшар анга иозу адода, ие пари,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўринг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Оҳ уруб кетсам агар ҳар нафас ўздин, не ажаб,
Ашк селини оқизсам ики кўздин, не ажаб,
Айта олмай аламим бирини юздин не ажаб,
Гар тилим қолса гаму дард ила сўздин, не ажаб,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Юзи хуршид, қүёш маҳви зиёсидур онинг,
Ҳусн аро ул шаҳу ҳўблар фуқаросидур онинг,
Жумлаи ҳуру пари гўё фидосидур онинг,
Үртаган жону дилим нозу адосидур онинг,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Муддатидурки бу дайр ичра мани хом тамаъ,
Қилмишам жоми мурод айламак ошом тамаъ,
Яъни этмишман ул ой лабларидин ком тамаъ,
Эмди мандин нафаси айламанг ором тамаъ,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Ситаму, жавру жафо таврида ҳамто йўқ анго,
Шафқату, меҳру вафо рагбати қатъо йўқ анго,
Қаҳру озори кўбу, марҳамат асло йўқ анго,
Ўлса мандек неча минг ғамзада парво йўқ анго,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Маҳфий ўтига ичимнинг шаку райб айламангиз,
Боқинг аҳволима, нафъи сари гайб айламангиз,
Ҳолима чок ба жуз синаи жайб айламангиз,
Кўнглум оҳию кўзум ашкини айб айламангиз,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Лутфи жоми била ичмак тилабон бодаи иоб,
Тамаи хом ўти ичра жигарим бўлди кабоб,
Чекарам Оғаҳийдек қаҳр шиканжида азоб,
Айб ошуфталингим айламангиз, эй аҳбоб,
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Нече даврон ситамидин ер уза паст бўлай,
Оҳу ашку аламу дард ила ҳамдаст бўлай,
Истарам эмди ринд аҳлига вобаст бўлай,
Жоми май напъасидин зўр забардаст бўлай,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Токи ақлу хираду ҳуш ила дучор ўлдим,
Ғаму дарду алам илгига гирифтор ўлдим,
Бўлмадим шод дамию, туну кун зор ўлдим,
Боридин эмди мани ғамзада безор ўлдим,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай.
Соқиё, бер менга бир жомки, сармаст бўлай,

Шиддати жаври фалак ўйла назор этти мани.
Ким, алам базмида ғам чангига тор этти мани,
Ҳар замон неча туман нолага ёр этти мани,
Захман кулфат ила ожизу зор этти мани,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Жонни дайр ичра ғами даҳрдин озод этайнин,
Дили вайронии чақир, дардидин озод этайнин,
Доишшу фаҳму хирад борини барбод этайнин,
Бу тариқ ила ўзумни нафаси шод этайнин,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Эй хушо риндики, етмас анга даврон ситами,
Иироқ ўлмиш танидин санги ҳаводис алами,
Илмас онинг назарига бу жаҳон бешу ками,
Балки тенг оллидадур даҳр вужуду адами,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Үтди умрим туну күн рашжу алам фикри била,
Фоқау факт аро юз меңнату ғам фикри била,
Тамауу марҳамат ахли карами фикри била,
Сийму зар ҳирси, динору дирами фикри била,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер менга бир жомки, сармаст бўлай.

Хонақоҳ ичра тилаб файз чу тутдим манзил,
Кўрмадим анда дами ушбу муродим ҳосил,
Келди ҳушёрлиғ ичра манга юз минг мушкул,
Огаҳийдек тиларам эмди хирадии зойил,
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

ТАРЖИЪБАНД

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,
Онда кирғаи эл ҳавотирдин амон бир дам эмас,
Дойимо вайронлиғ осори онинг арконидин,
Борча олам аҳлиға маълум эрур, мубҳам эмас,
Кечаш кундуэ ёғар идбор гарди сақфидин,
Еғмоқи ҳар дам фузун онинг замони кам эмас.
Бу сифатлиғ уй аро ҳар кимки маскан айлади,
Хотири онинг ҳавотирдин дами бегам эмас.
Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсун, гар гадо,
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам эмас,
Онда ҳар ким бошиға юз дарду ғам айлаб ҳужум,
Бир киши йўқ ашки ҳасратдин кўзи пурнам эмас,
Кўбдур онда ширагт умеди била тутғон макон,
Шоҳида мақсадига лекин бири ҳамдам эмас.
Барча зинданни балиятга бўлубдур мубтало,
Умри ичра бир нафас осуда бир одам эмас.

Даҳр бир вайронандурким, ҳароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эрур.

Даҳр бир гулшандурур, бўйи, вафоси йўқ онинг,
Жонга ҳаз еткургудек обу ҳавоси йўқ онинг.
Йўқ баҳорида ҳазон осибидин бир дам омон,
Кўз юмуб очгуича фаслининг баҳоси йўқ онинг.
Ишрати субҳани ғам шоми муқаддар айламиш,
Бир нафас баҳр олғудек файзи сафоси йўқ онинг.
Ҳар гуликим очилур онда анга йўқ барги айш,
Ҳар қушиким ун чекар, ишрат навоси йўқ онинг.
Тушса ҳар шабиham суви гар онда ҳасрат ашқидур,

Чекса қад ҳар наҳли шакли дилкушоси йўқ онинг.
Они сартосар ҳаводис хайли манзил айламиш,
Бехавотир сайр қилғудек фазоси йўқ онинг.
Ҳар кишиким роҳат истаб айлади маскан они,
Меҳнату, дарду гамининг интидоси йўқ онинг.
Борча умрин ўткариб юз минг машаққатлар била,
Лаҳзаи зинданни кулфатдин раҳоси йўқ онинг.

Даҳр бир вайронандурким, ҳароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши гам бандидин озод эрур.

Даҳр дун айёрасиким, йўқ анго меҳру вафо,
Пешаси кину, нифоқу, одати, жавру жафо.
Йўқтуур асло қамул маккора қотил зотида,
Заррача раҳму муруват, қатрача шарму ҳаё.
Ҳийла домига ҳалойикни гирифтор этгуси,
Кўргузуб гунжу, далолу, ғамзау, иозу адo.
Ишвалар зоҳир қилур ҳар лаҳза юз найранг ила,
Токи эл жону дилинга солгай ошубу бало.
Қадди шавқи иҷрадур танларга юз заҳми синон,
Кирпики фикридадур жонларга минг ниши изо.
Зулфининг савдоси домида қилиб зору асир,
Айлагай жумла ҳалойик рўзгорини қаро.
Ҳажр заҳри бирла айлаб элни доим талхком,
Васли нўши бирла бир дам айламас коминраво.
Қатл этар охир туман ижомлиғ тиги била,
Кимсаки бўлмиш онинг қайди ғамига мубтало.

Даҳр бир вайронандурким, ҳароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши гам бандидин озод эрур.

Солма кўз ушбу жаҳон шавқига зиндор, эй кўнгул,
Ойрила олмас балога бўлма дучор, эй кўнгул,
Ҳар нафас юз ишваким фош айлар, ондин мақсади
Халқни ишқида ўлтурмак туур зор, эй кўнгул.
Васлига майл этса ҳар ким жавр ила айлар ҳалок,
Бўлмоғил мойил анга, бўлғил ҳабардор, эй кўнгул.

Истасанг топмоқ нигор оллида иззу эътибор,
Ул ситамгар оллида қилма ўзинг хор, эй кўнгул.
Гарчи суратда кўринур бир нигори шўх шаиг,
Лек маънида эрур бир золи маккор, эй кўнгул.
Қасдиур элни фириби домига қилгай асир
Буки ҳар дам қилгуси юз жилва изҳор, эй кўнгул.
Ҳийласига олдониб оининг бори олам эли,
Тун-куи ўлмишлар висолига талабгор, эй кўнгул.
Йўқ жаҳонда бир киши оининг фирибини ебон
Бўлмагон андуҳ ила ғамга гирифтор, эй кўнгул.
Даҳр бир вайронайдурким, ҳароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эрур.

Бу жаҳон вайронасиким, онда роҳатдур адам,
Маскан этмишдур они хайли ғаму фавжи алам.
Ҳам биносида оининг ранги бақодур озу кўб,
Ҳам ҳавосида оининг бўйи вафо бисёр кам,
Не оининг шаҳрида бордур айшу роҳатдии нишон,
Не оининг саҳросида бордур ишлот осори ҳам.
Шаҳрию саҳросидур манкуб хайли ҳодисот,
Боғиу бўйтонидур помоли афвожи ситам.
Умрида меҳнат чекардин топмагай бир дам фарог,
Ҳар кишиким бу кўҳан вайронага қўйди қадам.
Не ситамлар чекмай ондин борди Афридуну Кай,
На аламлар кўрмай ондин қолди Кайковусу Жам.
Жавридин фориг эмас бир дам гадойи нотавон,
Зулмидин эмин эмас бир лаҳза шоҳи муҳташам.
Огаҳий, чиқ ондину, фақру фано йулиға кир,
Даҳр аро бўлмай десанг гар мубталойи банди ғам.
Даҳр бир вайронайдурким, ҳароб обод эрур,
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод эрур.

РУБОИ ИЛАР

Е раб, қилибои ғамингни маҳбуб манга,
Дардингни туну кун айла матлуб манга,
Руҳимни ҳамиша нафсга голиб эт,
Нафсимни ҳамиша айла мағлуб манга.

Эй келди фунуну илм таслим санга,
Қилмоқ майго лозим ўлди таъзим санга,
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, vale
Келдим бош ила олғоли таълим санга.

Умрим ўтубон қилиб гадолиг, ё раб,
Комимга етушмади раволиг, ё раб,
Мақсадга ҳама етти, vale қолди манго
Оқ саққол ила юзи қаролиг, ё раб.

Бир сўз дегали гар очса жонон икки лаб,
Беҳадду адад бўлур дур афсон икки лаб,
Юз қатла ғами ишқидин ўлсам ғам эмас,
Ким бергусидур бир сўз ила жон икки лаб.

Ишқ урди ониингдек дили вайронима ўт,
Ки жисм ёниб, тушти доги жонима ўт,
Кул бўлса, вужудим куюб эмди тоңг эмас,
Ким урди ғазаб чехраи жононима ўт.

Оҳимга жафойи чархи ахзар боис,
Ашкимга ғами даҳри ситамгар боис,

Йўқ-йўқки, ғалат айладим андоқ эрмас,
Ким борчасига фироқи дилбар боис.

Даҳр аҳлидин уммеди ато қилма абас,
Гар оқил эсанг, бўйла ҳато қилма абас,
Айлаб таман вафо ситамгарлардин,
Ўз жоннинг ўз-ўзинг жафо қилма абас.

Тут дам-бадам, эй сарв гуландом, қадаҳ
Ким ичмоқ алингдин мангодур ком қадаҳ,
Ишқинг ғамидин кўнгул эрур бетоқат,
Еткурсуи анго замони ором қадаҳ.

Ҳалқа қурубон қилма алоло, эй шайх,
Оlamга ўзинг айлама расво, эй шайх,
Ким борча риёу ҳийлаю макрингни
Фош этма улус аро сароио, эй шайх.

Масжидда намоз ўқуб мудом, эй зоҳид,
Гар тоимас эсанг муроду ком, эй зоҳид,
Ихлос била кириб харобот ичра,
Сокин қўлидин ич тўла жом, эй зоҳид.

Гар келди шароби ишқ бисёр лазиз,
Билмайдур они зоҳиди ҳушёр лазиз,
Ҳар навъ давожи дофиғи дард дуур,
Кўргуси қачон мизожи бемор лазиз.

Еткурди сафо ер юзига фасли баҳор,
Очилди гулу, лолау насрин бисёр,
Келгилки, чаманлар ичра базм тузуб,
Нўш айлагали тараб майини, эй ёр.

Ўлтурди мани ул кўзу қош, эй дилбар,
Қатлим уза кўргузуб талош, эй дилбар,
Ман бўйла агар юз карат ўлсам йўқ бок,
Берсун санго ҳақ узоқ ёш, эй дилбар.





Хар кимки тариқи ишқ аро содиқ эмас,
Ошиқлик онингдек кишига лойиқ эмас,
Хар нечаки чекса туну куи оху фигон,
Билгилки, жамоли ёрга ошиқ эмас.

Қилмоқ била парвариш тикан гул бўлмас,
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,
Гар асли ёмонга яхшилик минг қиласанг,
Яхшилиқ онинг ияти билкулл бўлмас.

Е раб, мани нафс бандидин айла халос,
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла халос,
Хар ишда писандингни манга рўзи этиб,
Оlam элининг писандидин айла халос,

То қилди лаби сўзда шакар афсонлиғ,
Жонсиз баданим бўлди ҳам ул дам жоилиғ,
Дер зоҳид: ўшул масиҳ ишқин тарқ эт,
Одамда бу навъ бўлур экан иодонлиғ.

Эй ёр, дами ҳоли паришонима бок,
Сориг юзиму дидай гирёнима бок,
Хар кеча фалак хирманини куйдирган
Оҳим ўтию шуълаи афгонима бок.

Ваҳким, яна зулмини аён этти фалак,
Богримни ғами ҳажр аро қон этти фалаъ
Кўз йўлидин ул қонни равон этти фалак,
Охир манго, кўрки, қасди жон этти фалак.

Эй мутриби гулчеҳра, тузуб созингни,
Созингта ҳамоҳанг қил овозингни,
Лутфунгни букун базм ахлига вофир эт,
То субҳгача кам айлагил иозингни.

Фарёдки, қаррилик манга зёр этти,
Бошим чошибон ақл ила ҳушим кетти,
Ҳам урди касал жафоси нишин андок
Ким тандин ўтуб жонима эмди етти.

Т У Ю Қ Л А Р

Ғам юки то қоматим ё қилмади,
Охим ўтига фалак ёқилмади,
Қилмади раҳми манго, худ ўзгага
Билмадимким, қилдиму ё қилмади.

Дўстлар, ҳамроҳлиғ айлаб борингиз,
Тундхў ёрим қошига борингиз,
Бир кеча базмимга келтурмак учун,
Бош аёқига қўюб ёлборингиз.

Ваъдан лутф этма, от жавр айлаб ўқ
Ким манго ул насядин яхши бу ўқ,
Ўтди умрим ваъданг уммеди била,
Сабр қилмоқ бўлгусидур мунча ўқ.

Бўлди чун умринг кунининг вақти туш,
Нафси саркаш отини кўб чопма, туш,
Хобгоҳ эткил қаноат манзилин,
Иўқса ҳаргиз кўрмагунгдур рост туш.

Дарди заҳри солди чинлар қошима,
Келмади ҳолим сўрорға қошима,
Ғам юкин чекмакда, эй дил, чобук ўл,
Ҳаргиз ушбу ишда бошинг қошима.

Чеҳрасининг гарчи муҳриқ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор,
Сигмогунг базми аро, эй муддай,

Телмурууб турма бу ерда, нори бор.

МАСНАВИЙЛАР

Даҳрки бир боғи мусаффи дуур,
Бошдин аёқ зеб ила оро дуур.

Лутфу назокат аро ҳар гулшани
Айш ила ишрат элининг маскани.

Үйлаки фирдавс фазоси онинг,
Рухфизо обу ҳавоси онинг.

Наҳрлари, үйлаки, баҳрун нажот,
Балки узубат аро айнул ҳаёт.

Сувлари ҳар сори намудор ўлуб,
Ойинан таҳтаҳул анҳор ўлуб.

Ҳавзлари ичра мусаффи зулол,
Хосияту таъм аро кавсар мисол.

Үйла ҳавоси бўлубон дилкушо
Ким дами Исо кибидур жон физо.

Очилибон юз ранг ила гуллари,
Сочилибон гул уза сунбуллари.

Гунчалари кулгу қилиб ошкор,
Үйлаки базм ичра лаби лаъли ёр.

Сувлари атрофика райҳои бутуб,
Хат киби ёр эрии уза ер тутуб.

Наргиси юз иоз ила очиб күэин,
Күргузубон халқға маргуб ўзини.

Сарвлари ўзни қилиб жилвагар,
Қад чекибон иоз била сарбасар.

Ҳар сори ашжори чекиб кўкка бош,
Ҳар бири бир ранг қилиб мева пош.

Комға ҳар мева бериб бир маза,
Сурат аро бир-бираисидан назаҳ.

Гул уза булбуллари гўё бўлуб,
Нағмаси элға тараф афзо бўлуб.

Сарв уза қумрилари тортиб наво,
Савти халойикқа бўлуб ғамзудо.

Жилва қилиб қушлари юз ранг ила,
Ҳар бир этиб нола бир оҳанг ила.

Ҳар бири оҳанги келиб дилкушо,
Лаҳни эшитканга бўлуб жонифизо.

Қасрлари мисли қусури биҳишт,
Файз ила оғишта анго хок ғишт.

Халқға ҳар қасри бўлуб базмгоҳ,
Шамслари зийнат аро меҳру моҳ.

Борча хаварнақға келиб таъиазаи,
Рашки жинои боғига оташ фиган.

Ҳар бири юз нақш қилиб ошкор,
Ғайри мукаррар бори нақшу иғор.

Базмгахи мутриби ҳаддин зиёд,
Ҳар бири сурат аро бир ҳурзод.

Файз асар лаҳну иавоси келиб,
Куввати тан руҳ гизоси келиб.

Гар лаби хуш лаҳжасидин ҳар дами,
Чиқса топиб тоза ҳаёт олами.

Нагмаи далкаш аро чеккакч наво,
Солиб улус бошига турлук ҳаво.

Лаблари ҳар савтға ким очилиб,
Мажлис аро дурру гуҳар сочилиб.

Ҳар унидин булбули гүё хижил,
Ҳар дамидин доги масихо хижил.

Ноз ила ҳаргахки наволар тузуб,
Юз минг ўлук ҳар нафаси тиргузуб.

Чанг ила соз айласа оҳангини,
Солғуси Зухра қўлидин чангини.

Қылса аён иолан беҳжат асар,
Элга берур умри агаддин хабар.

Ҳур сифат ҳуси аро, соқилари
Ғанижу далол ила мужассам бари.

Тарзию рафттори басе ҳўб ўлуб,
Бошдин аёқ жон киби маргуб ўлуб.

Шаклидин осори тараб ошкор,
Тарзида анвои фараҳ бешумор.

Юзларидин ҳўблиғ анвори фош,
Кўзларидин мастилиғ осори фош.

Суратидур лутфу карам масдари,
Ҳайъатидур хулқу шиям мазҳари.

Ишвасидин аҳли тараб маст ўлуб,
Нашъасига даҳр эли побаст ўлуб.

Кимки танг айласа махмурлиғ,
Лутфи анго бергучи масурурлиғ.

Ким эса бир дард била мубтало,
Еткай онинг марҳаматидин даво.

Ҳар кишиким даҳр аро ғамгин эрур,
Лутфидин онинг фараҳ оғин эрур,

Ғамзадалар ёри бўлуб субҳу шом,
Қилмоқ эрур кўшиши масти мудом.

Шафқати бирла ҳама эл шод ўлуб.
Илгидин ишрат уйи обод ўлуб.

Шишалари сурати зебо келиб,
Айш элига анжуман оро келиб.

Сарвдек андом ороу сина соф,
Ҳарна десанг васфида эрмас газоф.

Элга бўлуб руҳфизо қулқули,
Ўйлаки фирдавси барин булбули.

Жисмида май акси намоён бўлуб,
Бошдин аёқ жилва гаҳи жон бўлуб.

Жонга фараҳ ҳайъати зебосидин,
Кўз топибон нур тамошосидин.

Зийнати базм ўлди қиёми онинг
Роҳати жон келди хироми онинг.

Лабларидан қылса қачон лаълфош,
Лаълининг оллида бўлур лаълтош.

Жисмики ёкути фараҳ конидур,
Аҳли тараб пайкарининг жонидур.

Косалари софу мунаққаш дуур,
Неча туман ранг ила дилкаш дуур.

Нақшлари борча бўлуб дилнишин,
Кўрмай они умрида наққоши Чин.

Сурати ул навъки моҳи тамом,
Вола анго мажлис эли субҳ шом.

Даст-бадаст олибон аҳли тараб,
Бўса қилиб лабларини рўзу шаб.

Ул бериб ул элга равон шарбатин,
Балки бериб лаззати жон шарбатин.

Кулгуга оғзи очилиб борҳо,
Қилмоқ учун элни тараб ошно.

Ҳам тўлан ой пайкаридур ҳам ҳилол,
Элга бўлуб мужиби дафъи малол.

Жонға фараҳлар етуруб хандаси,
Аҳли жаҳон хандасининг бандаси.

Жумла халойик анга рогиб бўлуб,
Васлига юз жон била толиб бўлуб.

Бодалари софу муаттар келиб,
Роҳати жон ўйлаки кавсар келиб.

Лавну мизож иҷрадур асрү жамил,
Ўйлаки тасним била салсабил.

Толиби ошом анга ҳуро бўлуб,
Ғайрати саҳбойи таҳуро бўлуб.

Ламъаси андоқчи, мунир офтоб,
Ойнии беҳжат анго ҳар ҳубоб.

Мавжлариким бўлур анда аёи,
Жавҳари миръоти мусаффойи жон.

Рангид осори тараб ошкор,
Бўйида асрори фараҳ бешумор.

Таъми бернб нашъан оби ҳаёт,
Ичса киши тоғғуси ғамдин нажот.

Лаззатидур руҳи равонроҳати,
Балки бадан қуввати, жон роҳати.

Нашъасидии табъ намойиш топиб,
Үқдан ашколи күшойиш топиб.

Ғам тунигинг машъали тобони ул,
Аҳли тараб пайкарининг жони ул.

Топса онинг васлини қайси макон,
Бўлғусидур габрати боғи жинон.

Шўхлари хур ила ғилмон киби,
Хур ила ғилмон демайин, жони киби.

Қомати тўби киби зебо келиб,
Сурати жондек фараҳ афзо келиб.

Юзи латофат чаманининг гули,
Сочи тараб гулшанининг сунбули.

Қоши назокат фалакида ҳилол,
Кўзи назоҳат ҳўтанида гизол.

Кирпикидур ноз камонига ўқ,
Ғамзасининг қатл ишида мисли йўқ.

Зулфи узори уза печои каманд,
Аҳли жаҳон бўйнига айларга банд.

Зоҳир ўлуб лаъл уза хатту ҳол,
Айлагали даҳр элин ошуфта ҳол.

Неча адо ҳар нафас изҳор этиб,
Ишқига кўрганин гирифтоти этиб.

Жилвасига кимсаки дучор ўлуб,
Жон била ҳуснига гирифтоти ўлуб.

Ҳар кишиким бўлди гирифтоти анго,
Сўнгра қутулмоқлиги душвор анго.

Ҳар киши васлига онинг топса даст,
Бўлғусидур бодам ишратга маст.

Кўзи ёрур шамъи жамоли била,
Ком топар лаъли зулоли била.

Толии хуш, бахти ҳумоюи бўлур,
Айш доғи дам-бадам афзун бўлур.

Англогил алқиссаким, бу базмгоҳ
Ким эрур ишраттаги дарвишу шоҳ.

Келди дил овизу, дил оро, басе,
Аҳли жаҳонга тараб афзо, басе.

Зийнатиу шавкатидур бешумор,
Жилвагаҳи қудрати парвардигор.

Айши била ишратининг сони йўқ,
Нематининг ҳаддии поёни йўқ.

Роҳатию ҳаззи эрур беҳисоб,
Давлатию молига худ не ҳисоб.

Лек даригоки, бақо йўқ анго,
Заррача осори вафо йўқ анго.

Кўз юмуб очгунча ўтар фурсати,
Айшига вобаста эрур меҳнати.

Мутрибиға ҳамдам ўлуб ҳар киши,
Топмоқ эса ком наволар иши.

Тонгуси ондин яна маҳрумлиқ,
Навҳау мотам била мағмумлиқ.

Олса киши соқини мавзунидин,
Жоми лаболаб майи гулгунидин.

Гарм ҳануз ўлмайни ондин димог,
Бўлгусидур дарди ҳумор ичра дод.

Шоҳидидин кимса топиб гар висол,
Бўлса неча васл аро ишрат сигол.

Охир ўлуб фурқатига мубтало,
Келгусидур бошига юз минг бало.

Давлатига ҳар киши гар топса даст,
Бўлса неча кун анго мағруру маст.

Боргуси давлат, қолибои ҳасрати,
Ҳасратига орзимагай давлати.

Онда агар шоҳу гадо гар дурур,
Чеккали ҳасратни баробардуур.

Кўрки Искандар била Бахрому Жам,
Елгуз олар, йўқки неча шоҳ ҳам.

Онда бўлуб коми раво неча кун,
Айлабон изҳори ҳаво неча кун.

Маснади давлатда мақом эттилар,
Базму нишот улчаки ком эттилар.

Лек қилиб айш мудом иртикоб,
Айладилар саъи талаб беҳисоб.

Хосил эта олмайин аммо мурод,
Ҳасрат ила борди бори номурод.

Мақсадига ҳеч бири етмади,
Манзилига шод бўлуб қетмади.

Борди ҳама юз туман армон била,
Ҳамроҳ ўлуб меҳнату ҳирмон била.

Бас кишиким, оқилу доно дурур,
Фаҳму хирад бирла тавонодурур.

Олию озода тутуб ҳимматин,
Даҳрга сарф айламагай рағбатин.

Базмгаҳи айшиға алданмагай,
Рағбат ила давриға айланмагай.

Кўргай ониинг айшию раижини teng,
Билгай ониинг факрию ганжини teng.

Балки тутуб teng йўқу борини,
Чекмагай ониинг ғами озорини.

Одат ўлуб сабру қаноат анго,
Иш туну кун бўлгой ибодат анго.

Халқ аро гар оғаҳ эсанг, Оғаҳий,
Бегараз ар сўзни десанг, Оғаҳий,

Чунки әрур бошдин-оёқ чин сўзинг,
Лек керакдур амал этсанг ўзинг.

Гар амалинг бўлмаса, не фойда,
Борча сўзинг бўлғуси бефойда.

Келиб, эй соқийи хўжаста лиқо,
Тийра ҳужрам аро қуёш осо.

Лутф бирла қошимда маскан қил,
Кун мисиллик тумимни равшан қил.

Олиб илгинга жоми минони,
Жом аро қуй латиф саҳбони.

Илтифот айлабон манга тутғил,
Нечам яна тўла тутғил.

То они нўш айлабон ҳар дам,
Даҳр ишғолидин бўлуб бегам.

Мастлик бирла беҳижобона,
Бошлайин турфа дилкаш афсона.

Ки неча умрлар эди мани маҳзун,
Бир паризодга эдим мажнун.

На паризодиким, фаришта эди,
Ҳилқати нур ила саришта эди.

Қомати ҳусн боғи шамшоди,
Балки фирмавс сарв озоди.

Лаби шаҳдини кўргач оби ҳаёт,
Эл кўзидин ёшурди они уёт.

Сочининг сунбули эрди ҳайрони,
Туну кун тийрау паришони.

Талъати бандаси маҳи тобон,
Бандалик додидур юзида нишони.

Кўзининг иозири чу наргис ўлуб,
Ҳайрат ичра мудом беҳис ўлуб.

Зулфи ҳар торига тушуб юз тоб,
Эрди юз жонга ҳар бири қуллоб.

Қабоқига кўнгул бериб бодом,
Юз кўз ила боқар эди ноком.

Сўзи қилғонда гавҳар афшонлиғ,
Еткуур эрди дурга ҳайрошлиғ.

Тишининг хижлатин чекиб инжу,
Бошидин то аёқ бўлур эди сув.

Олма кўрган чоги занахдонин,
Тўкмиш аъзосига кўзи қонни.

Очса гар ногаҳон биногӯшини,
Даҳр элининг олур эди ҳушин.

Ноз бирла хиром қилғон чоғ,
Тура олмас эди ерида тоғ.

Кўргузур чоғда ғамза бирла адo,
Тушар эрди жаҳон аро ғавғо.

Иёқ эди даҳр аро назири онинг,
Кўрган ўлғой эди асири онинг.

Бу сифатлиғ нигори зебодин,
Дилбару, дилкашу, дилородин.

Нече муддат эди сипекри дани,
Зулм айлаб ойирмиш эрди мани.

Ман бўлуб мубталойи ҳижрони,
Топа олмай талаб қилиб они.

Туну кун йиглабон фироқида,
Чекибон оҳ иштиёқида.

Қон кўзимдин мудом оқар эрди,
Оҳим афлокни ёқар эрди.

Угулуб бошим узра дарду ғам,
Қасди жоним қилур эди ҳар дам.

Ҳар замон ҳушдин кетар эрдим,
Ҳар нафас ўлгали етар эрдим.

Етиб эрдим ўлук киби бир тун,
Тушубон бошима қоронгу кун.

Ўздин эрмас эдим дами огох,
Ул кеча ушбу ҳол аро ногоҳ.

Айланиб чарх даври комимга,
Келди хуршид тийра шомимга.

Яъни ул дилрабойн дилдорим
Марҳамат хўю меҳрибон ёрим.

Тутубон лутф ила тариқи вафо,
Келди бошим уза қуёш осо.

Тийра кулбамга иур еткурди,
Лутф ила ёибошимда ўлтурди.

Кўрдиким, ётмишам ўлук янглиг,
Ушбу ҳолимга бўлди кўб танглиг.

Лутфи илги била күтарди бошим,
Оразим устидии супурди ёшим.

Күз очиб чун оининг юзин кўрдим,
Қолтираб ўтрусида ўлтурдим.

Ичибон васли жомидин шарбат,
Етгач аъзоу ҳушима қувват.

Ҳолима айлабон тараҳҳумлар,
Лутф ила кўргузуб табассумлар.

Деди: Эй ошиқи талабкорим,
Ҳажр шомида хастау зорим.

Мансиzin кечти не сифат ҳолинг,
Ўтти не навъ моҳ ила солинг?

Не балоларни бошинга ҳижрон
Ғами келтурган эрса, айла баёи,

Май чу ондин бу навъ сўз эшишиб,
Келибон гоҳ ўзумга, гоҳ кетиб.

Мунграйиб ўтрусида қон йиглаб,
Чекибон оҳ ила фифон, йиглаб.

Дедим: Эй маҳваш, иесни сўргунг,
Ҳолим ушбудуур, ўзинг кўргунг.

Тиласам айламак борин иълом,
Ўтубон умр топмағай итмом.

Лек чунким сан этдинг истифсор.
Мужмалан ҳолим эткомай изҳор.

Марҳамат кўргузуб эшифт они,
Май дейин хилват ичра пинҳони.

Қоматингдин дамики айрилдим,
Гам юқидин қадимни ё қилдим.

Оразинг фурқатида тортиб ох,
Тийра қилдим узорим меҳру моҳ.

Истабон кўзларинг бўлуб гирён.
Қолмади оқмағон кўзимдии қон.

Даҳанингни хаёл этуб ҳар дам,
Етдим усру ёвуқ бўлурга адам.

Зулфи мушкининг орзуси аро,
Бўлди ёғду жаҳон бошимга қаро.

Айлабон дам-бадам белингни хаёл,
Кўздин ўлдум ниҳон хаёл мисол.

Симдек пайкарингдин оғушим,
То жудо бўлди, қолмади ҳушим.

Кирпикинг фурқати уруб наштар,
Тешти куйган бағирни сартосар.

Хату холинг фироқида туну кун
Чекти нолам ўти фалакҳа тутун.

Жон физо сўзларингни айлаб ёд,
Жонга ҳар лаҳза айладим бедод.

Яни оидек қошнинг чу ёд этдим,
Гоҳ келдим ўзимга, гоҳ кетдим.

Чекдим алқисса меҳнати ҳижрон,
Ул сифат бешумору бепоён.

Ки сени кўрмасам эди бу дам,
Бўлур эрдим қачон муқими адам.

Шукрим, бу дам изиди манион,
Берди васлинг била янгидин жон.

Эшитиб сўзларимни ул дилбар,
Қайси дилбарки, рашки шамсу қамар.

Билди содиклигимни ишқи аро,
Пожбоз эрконимни сартопо.

Ўзини айлабон манга таслим,
Очибон соидин нечукким сим.

Тутуб илгимни бир қўли била чуст,
Ҳалқа айлаб бирини бўйнума руст.

Қошини суртубон қаногимга,
Оғзини еткуруб қулоқимга.

Деди: Эй хоксори маҳзуним,
Ишқ водиси ичра мажнуним.

Шод тутғил ўзинг, ғам емагил,
Унут ўтканни эмди, сўз демагил.

Ки ман эмди жафони тарқ тутуб,
Расми меҳру вафони барқ тутуб.

Санго дойим жалис бўлмоқ учун,
Кеча-кундуз анис бўлмоқ учун.

Келмишам хилватинг аро ёлғуз,
Мани еткурди ҳақ санго ёлғуз.

Ҳарна коминг эса, раво қилурام,
То абад меҳр ила вафо қилурам.

Сандин айрилмогум дами ҳаргиз,
Санго кўрмояраво ғами ҳаргиз.

Васлим эт дардинга даво эмди,
Коминг эт не эса раво эмди...

Огахий, мунча сүз баён этдинг,
Қисса булъажаб аёи этдинг.

Тушму эркан ваё хаёлингму,
Йўқса бир беҳуда мақолингму.

Даст бу ком кимсага бермас,
Гар санго берса даст, тоиг эрмас.

Кишиким бўлса ишқ аро содик,
Анго маъшуқ бўлғуси ошиқ.

ФОРСЧА ҒАЗАЛЛАРДАН¹

Даво дардимга келди бир боқиб наргиси шаҳлойинг,
Ҳаёти жовидонимдин адойи лаъли гўёйинг,

Агар десанг манга ногаҳ, сен эй, бир бенавойим деб,
Манга ул икки олам ичра бир давлат эрур жойинг.

Макон қурмасман асло қасри жанинат гулшани ичра,
Агар жойим эса бир дил сұхбати фирмавс осойинг.

Олурда етти иқлим мулки чун ҳукмимга тобеъдур,
Даме боқиб қиё кўз бирла етса менга имойинг,

Манга ҳушроқ ўлур ул шоҳи оламдан агар сўрсанг
Ки ҳолниг не дея гам кунжида жунбушда танҳойинг.

Топарман сарфарозлик ҳам кўурман кўкда ул тахтин,
Агар бахш этса менга сурма гардини кафи пойинг.

На ганжи олам эҳсони, манга ҳушроқ агар билсанг,
Қилиб сен бир табассум икки лаъли гавҳаройинг.

Бошим осмонга етгай, эй нарн, ногоҳ агар дерсан —
Ким, эй шайдони мажнуним, манам мажнуни шайдойинг

Ижобат Оғадийнинг бу дуоси бирла пайванддур,
Умидим улки бўлгай охиратда яхши дунёйинг.

1) Олимжон Бўриев таржимаси

* * *

Яна лаъли ширининг сўз билан дурафшои қил,
Шакар қимматин синдир нархи гавҳар арzon қил.

Ҳар нафас қилиб зоҳир жонфизо табассумлар,
Мавжи чашмайи кавсар лаълдин намоён қил.

То чаман аро бўлсин банда сарви озода,
Сарви нози зебойнинг ҳар тараф хиромон қил.

Сенсизин менинг айшим тийра чун зимишондир,
Келибои баҳор янглиғ мисли боғи ризвон қил.

Ҳусн маснади узра шоҳи соҳиб эҳсонсан,
Ошиқи фақирингта иақди бўса эҳсон қил.

Ҳотамий лаби лаълинг лутф қил қўлимга бер,
Орзуйи давлатга то абад Сулаймон қил.

Тобакай қатли ошиқ тортасан камоии ноз,
Кўнглими имо бирла шод айла, қурбон қил.

Коми зоҳиди гофил, парҳездан ўлмас ҳосил,
Соқий бир қадаҳ бирла ўзидин пушаймон қил.

Юзларинг шамъин ёқсин бу тун шароб оташи,
Кўргузиб жамолингни мажлисим чароғон қил.

Дашту чўл аро ўйнаб бениқобу мастона,
Базм аҳлини буткул мавҳу лолу ҳайрон қил.

Огаҳий эмиш ғамгин кексаю зифликдан,
Лаъли лабинг шарбатни уига икки чаандон қил.

* * *

Эй дил, чархи комдан таманио қилма абас,
Ташна лабидин сув тақозо қилма абас.

Гар оқыл эрсаиг очлик дардига бер чидам,
Сайри ҳавас иеъмати дуйё қилма абас,

Рангу ҳиду ҳусиу вафо йўқдирки унда бас,
Бу bog гулларини тамошо қилма абас.

Мурғу ҳавойи қудс ила олам харобадир,
Ондин чуғздек маскану маъво қилма абас.

Бошингга тож орзуси гайри азоб эмас,
Бош оғриғин ўзинг учун иайдо қилма абас.

Қыл илтижо жумла карам аҳлидин оразу,
Аммоқи ҳар хасисдин тавалло қилма абас.

Фақир сири вайроиа дилда жим хазинадир,
Бу ганж бирла ҳеч кима шифо қилма абас.

Зоқид, сен кимсану, май жоми бирла ишқ ким,
Дайрга келиб ўзингни расво қилма абас.

Узлат кунжида, Огаҳий, доим муқим бўл,
Рағбати сайри боғи мусаффо қилма абас.

Азми сайри боғ қил, эй гулъузор, келди баҳор,
Қилди юз файзу тароват, ошкор, келди баҳор.

Боғлара зийнат бағишлаб, даштларга берди файз,
То қилур оғоғни жанинат шиор келди баҳор.

Зиндалик берди шаҳидлар хокида файзу сафо,
Мўъжиза айлаб Исони шармсор, келди баҳор.

Боққи дарё мавжлари узра булутлар қатраси,
Бог, чаман узра қилиб гавҳар иисор, келди баҳор.

Лолаю гуллар жомида ҳар тараф шабиам билан,
Қилди лиммо-лим шароби хушгувор, келди баҳор.

Ишратидан айрилиб махмур дили бўлгач ҳазон,
Баҳри дафъи гуссаю раңжу хумор, келди баҳор.

Беҳуда ўтказма бу хуш лаҳзани огоҳ бўл,
Бундан олдин ҳам жаҳонда ичча бор, келди баҳор.

Боғлама кўнгил бу ишратга даҳр гулзорида,
Ваҳднио кам фурсату безътибор, келди баҳор.

Сайр қилгил, Огацӣ, ҳамроҳ ўлиб боғу чаман,
Вақти гул гашти гулистон, эй ингор, келди баҳор.

* * *

Эй, тилим олгай ўзига чун иигин номинг сенинг,
Бўлди дил ойинадори рўйи гулфоминг сенинг.

Қилгамен йўлингда бу тупроқ жисмими губор,
То бўлур кунки ўпурман иақши иқдоминг сенинг.

Умрлар жон ичра бўлди чун олиб қаддинг алиф,
Айрилиқ фикру ҳаёли сарви андоминг сенинг.

То бўлур, ёрабки етгайман висолинг базмига,
Тобакай таскин бериб бу дилга пайғоминг сенинг.

Халқ дастурхонинги неъматларидан баҳравар,
Бир чумоли кўрмади охири инъоминг сенинг.

Кимса маҳмур ўлмади эҳсони нашъингдин сени,
Жумлайи аҳли жаҳон мости майи жоминг сенинг.

Кўз ёшинг ёмғирини тўк, Огаҳий, шому сахар,
Токи мурғи илтифоти бўлғуси роминг сенинг.

Л У Г А Т

Абр — булут
Автод — таянчлар
Авхом — ваҳималар
Алкан — тил тутилмоқ
Амвол — буюмлар
Амвот — мурдалар,
 ўликлар
Ами — тинчлик
Анис — дўст
Ансаб — муносиб
Асфар — кар
Афвож — тўдалар
Аъжаз — ожизроқ
Ахзар — яшил, кўк
Ақтаб — бир гуруҳ
Аҳмар — қизил
Аҳқар — нафратланган,
 жирканч
Базл — саҳийлик
Бани — авлод
Билқулл — бутунлай
Бисимл — бош олиш
Бозу — адолатли
Борон — ёмғир
Бутроғ — пароканда
Буз — гина, кек
Вожун — тескари
Воғир — мўл, кўп

Ганж — қийматбаҳо
нарсалар
Гандум — такаббур
Гузоф — сафсата, беҳуда
Гису — кокил, соч.
Гудоз — сўхта, куйган.
Даввор — фалак, осмон.
Дай — қиш фасли
Дани — тубан
Даъб — ўз олдидан
 ҳайдаш
Дирам — танга
Дият — хун пули
Дурж — қиймат баҳо
 тошлар солинган
 сандик
Дурпош — дур сочувчи
Дуба — букуқ; эгилган
Жабин — пешона
Жалис — ҳамсұхбат
Жовидона — абадий
Жонгудоз — азоб
 берувчи
Журм — гуноҳ
Жӯй — очлик, фақирлик
Идбор — бахтсизлик
Ийзо — уялтиромоқ

Иксир — олтинга
айлантирмоқ
Илтизом — бурч
Илдот — түгри йүлдан
озмоқ
Имдод — мадад, күмак.
Иибисот — шодлик,
хурсандлик
Инон — жилов
Истифсор — сўрмоқ,
суриштирмоқ
Истишҳод — гувоҳлик
талаб қилмоқ
Иттисол — пайванд,
бирикиш
Ифрот — ҳаддан
ташқари
Иқдам — бир ишга
қадам қўйиш
Каж — эгри, қинғир
Кайвон — еттинчи фалак
Ковус Кай — улуг
подшоҳ
Кож — тарсаки
Кофар — раҳмсиз
Лабрез — ширин лаб
Ладун — илоҳий илм
Ламъя — ёруғлик
Лаҳу — ўйин
Лигом — юган, жабдуқ
Лоязол — сўнгсиз,
абадий
Мадфун — дағн
қилинган
Мазръя — экин жойи
Макнун — яширин
Малул — озорланган
Манион — неъмат
берувчи
Мар — ўлчов
Масих — тирилтирмоқ
истовчи
Матар — ёмғир томчиси

Мафҳуд — йўқолган
Махлут — аралашган
Маят — ёндошлар
Мақрун — қўшилмоқ
Магмунлиғ — ғамли
Маҳбас — зиндан
Маҳзи — соғ, тоза
Маҳзур — қўрқинчли
Минқор — қушлар
тумшуғи
Мисиллик — монандлик
Миҳан — заҳматлар
Мовфур — кўп миқдор
Мору мўр — илону
чумоли
Мубаддал —
алмаштирилган
Муддай — рақиб
Мужалло — ярқираган
Муин — кўмакчи
Муқаддар — ғамли
кўнгул
Мукримат — улуғлик
Мукнат — бардамлик
Мумтазаж — аралашган
Мунқатъи — узилиш
Мунқод — итоат этувчи
Мусоҳиб — ҳамсуҳбат
Муставли — ғолиб,
кўлга оловчи
Муфаррақ — кўнгул
очувчи
Муъод — одат бўлиб
қолган
Новак — ўқ, киприк
Нофиъ — фойда
келтирувчи
Нун — араб
алифбосидаги «н»
ҳарфи
Огин — нақшли, гулдор
Ом — омма
Пайк — чопар, элчи

Раббиҳўм — худойим
Рабт — багланиш
Раёхин — или
 ўсимликлар
Рахш — чипор от
Риё — қилган ишни
 чиппакка чиқармоқ
Рев — макр, ҳийла
Рубы — ер юзининг
 обод қисми
Руммон — анор
Рунуд — нозик табиат
Руст — мустаҳкам
Сам — заҳар
Сайй — тез ҳаракат
Сақрҳум — сув пурковчи
Сақф — гумбаз
Сигол — хулқ хусумат
Солик — йўловчи
Сулух — муомала
Сурук — тўда, гала
Таваҳҳум — ваҳима
 қилмоқ
Тавр — одат, қилиқ
Танаъум — нозу неьмат
 билин боқиши
Тафаръун — улуғланиш
Тахмир — аралаштириш
Таazzум — катта
Таъвиз — тумор
Таъниzon — таъна
 сўзидан
Таҳаррук — ҳаракат
 қилмоқ
Таҳассур — ҳасратланиш
Таҳашшум —
 газабланиш
Таҳтассаро — ер ости
Туз — дала
Турра — кокил, зулф
Ужб — такаббурлик
Умда — асос, дастак
Унс — яқинлик, дўстлик

Үқбо — ақлнинг жаъми
Фавқи тавр — усти бош
Фано — йўқлик
Фараҳфаржом —
 севинчли тугаш
Фиган — нола қилувчи
Фирдавс — боф
Фош — ошкор қилмоқ
Фақру фоқа —
 муҳтоҷлик
Хави — тер
Хаданг — ўқ, камон ўқи
Хайма — чодир
Хасосат — хассос
 сўзидан
Хизрваш — ҳаётбахш
Хиссат — хасислик
Хўтан — оқ юзли,
 чиройли
Хуққа — кутича
Чобук — шўх, тез
Чурконмоқ — қорайиб
 кетмоқ
Шашпар — тўқмоқ
Шаҳна — ҳоким
Шаҳпар — узун патлар
Шигарф — улуғ,
 чиройли
Шиоъ — нур, ёруғлик
Шиям — одат қилмоқ
Шомит — масхараловчи,
 кулувчи
Шўриш — жанжал,
 ғавро
Юмн — хосият
Якрон — тўриқ от
Ялдо — қишининг энг
 узун ва қоронғу кечаси
Яъс — қайғу,
 умидсизлик
Қаллош — саёқ,
Қорун — бениҳоят
 бойлика эга бўлган

кишининг исми

Қўҳан — баланд тоф

Ғабро — чанг, тупрок

Ғалтон — юмалоқ

Ғарра — порлоқ

Ғилмон — хизматкор

Ғанж — ноз

Ҳажл — чимилдик,

гўшанга

Ҳаззи — ҳаловат, баҳра

Ҳижоб — уялиш,

ийманиш

Ҳомун — дала, қир,

саҳро

РАСМЛАРГА ИЗОҲЛАР

1. Муқовада: шоир лирикаси учун ишланган расм.
2. Фронтиスピッサ: Оғаҳий портрети.

Оғаҳий ғазалларига ишланган расмлар:

3. «Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ жамолингдин —
Ки, ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшиңгдин айлан-
сун».
4. «Келдилар карам айлаб кулбам ичра жононлар,
Ҳар бириси жонимдин ҳам азиз меҳмонлар».
«Расмларни Темур Сайдуллаев ишлаган.
- 5-6. «Таъвиз ул — ошиқин» девонидан айрим саҳифалар
- 7-8. Шоир ватани.

МУНДАРИЖА

Мұхаммад Ризо Оғаҗий (<i>Ф. Ғанихұјжаев</i>)	3
Фазаллар	7
Мустазодлар	67
Мураббаълар	70
Мухаммаслар	74
Мусаддаслар	88
Таржиъбанд	92
Рубоийлар	95
Туюқлар	99
Маснавийлар	100
Форсча ғазаллардан (<i>О. Бўриев таржимаси</i>)	116
Лугат	121

На узбекском языке

ОГАХИ

Избранное

**Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1983.**

**Нашриёт редактори Т. Абдуллаев
Техредактор Г. Ломиворотова
Корректор З. Солиҳова**

**Теришга берилди 06.01.83. Босишга рухсат этилди 11.07.83. Формати
70×90¹/₅₂ Қоғоз № 1. Гарнитура школьная. Офсет босма. Шартли босма
листи 4,68+7 вкл. Нашриёт ҳисоб листи 4,36. Тиражи 90000. Заказ 193.
Еадоси силлиқ ялтироқ қоғозда босилгани 75 тийин.
№ 1-қоғозда босилгани 65 тийин.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қиаси Қайроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-йи.**

0—21

Оғажий.

Шеъриятидан (Тузувчи ва кириш сўзи Ф. Ганихўжаев;
Редкол.: Абдураҳмонов Ф. А. ва бошқ).—Т. Изд. ЦК КП
Узбекистана, 1983.—1286.+ 7 вкл. (Шарқ классиклари
меросидан).

Сарл. олдида: Ўзбекистон ССР ФА Ҳ. С. Сулаймонов
номидаги қўлёзмалар ин-ти.

Огахи. Избранное.

ЎзI